

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 118 (1717), 2026 йил 12 июнь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Балиқчилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Дунёда аквакультура жадал ривожланмоқда. Илк бор етиштирилган балиқ ҳажми табиий сув ҳавзаларида овланган балиқ микдоридан ошиб кетди.

Харажатларини қисман қоплаш механизми жорий этилади. Ушбу имкониятлар ҳисобига кейинги йилда балиқ етиштириш ҳажмини 500 минг тоннадан ошириш чораларини кўриш топирилди. Тақдимотда насликчи ва илмий ёндашув масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сифатли чавоқ ва яхши генетика юқори ҳосилдорликнинг асосий шарти экани таъкидланди. Шу боис, карп, лақа, форель, осётр каби балиқ турларининг наслини яхшилаш, янги зотларни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Келгуси йилдан тоғ олди ҳудудларида йилга форель ва осётр балиғи етиштириш қувватларини яратиш режалаштирилган. Балиқчилик илмий-тадқиқот институти учун Оҳангарон дарёси бўйида тажриба-синув майдони ташкил этилади. Миллий карп зотини яратиш бўйича хорижий грантлар жалб этилади.

Соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Тошкент давлат аграр университетида Астрахань давлат техника университети ва Хитойнинг Далин океан университети билан ҳамкорликда балиқчилик ва аквакультура бўйича қўшма факультет очилди.

Балиқчилик тармоғини рақамлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Сувдан фойдаланиш ҳолати, ер майдонлари, ноқонуний балиқ овлалаш, солиқ тўловлари, овланган балиқ маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни бирлаштирган ягона электрон платформани яратиш таклиф қилинди. Соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий қилишни кенгайтириш орқали харажатларни қисқартириш ва маҳсулдорликни ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, соҳани қўллаб-қувватлаш чораларини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этди. Мутасаддиларга балиқчилик тармоғини замонавий технологиялар, илмий ёндашув ва самарали бошқарув асосида ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли дастурхонига арзон, сифатли балиқ маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎЗА

ОНКОЛОГИК ВА ГЕМАТОЛОГИК ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев онкологик ва гематологик тиббий ёрдам ва паллиатив хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, давлат тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оғир касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, онкологик, гематологик ва онкогематологик касалликларга чалинган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, паллиатив ва хоспис хизматларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Тақдимотда саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича ишлар чиқилган чора-тадбирлар муҳофаза қилинди.

Қайд этилганидек, аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари бўйича мақсадли тиббий текширувлар билан қамраб олишни камида 60 фоизга етказиш, саратон касалликларига чалинган беморлар орасида 5 йиллик умр давомийлиги кўрсаткичини 35 фоиздан камида 45 фоизга ошириш мақсад қилинган.

Бунинг учун 2027 йилдан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган саратонга қарши курашиш бўйича Миллий дастур ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади.

Мазкур дастур доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг онкологик хушёрлиғи оширилди. Улар саратон касалликларининг дастлабки белгиларини аниқлаш ва беморларни ўз вақтида ихтисослашган муассасаларга йўналтириш бўйича қайта тайёрланди.

Шунингдек, халқаро тавсиялар асосида клиник қўлланмалар қабул қилинади.

Онкология йўналишида мультидисциплинар жамоавий ёндашув — бир неча мутахассис иштирокида беморга ташхис қўйиш ва даволаш тактикаси жорий этилади.

Энг кўп учрайдиган саратон касалликларини эрта ташхислаш дастурлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалиётга киритилди. Беморларни қисқа муддатда текширувдан ўтказиш ва ташхис қўйиш имконини берадиган тезкор ташхислаш йўналишлари йўлга қўйилди.

Нур терапияси хизматини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, эскирган кобальт қурилмалари босқичма-босқич замонавий чизиқли тезлаткичларга алмаштирилади, юқори дозали брахитерапия имкониятлари кенгайтирилади.

Паллиатив ва хоспис ёрдами ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. 2030 йилга қадар аҳолига бундай ёрдам кўрсатиш қамровини камида 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бунинг учун 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб республикада паллиатив ва хоспис ёрдами кўрсатишнинг ягона тизими тиббий ва ижтимоий хизматлар интеграцияси асосида ташкил этилади. Паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш, йўллаш, ҳисобга олиш ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнлари электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Мобил паллиатив бригадалар фаолияти йўлга қўйилиб, уй шароитида тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш таъминланади. Стационар шароитдаги паллиатив ёрдам давлат

ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳамда хоспислар томонидан кўрсатилади.

Аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, барча ҳудудларда хоспис муассасалари босқичма-босқич ташкил қилинади. Тошкент шаҳар ҳудудларда хоспис паллиатив ва хоспис ёрдами методологик бошқариш, ҳудудларда мазкур хизматни ташкил этишга қўмақлашиш бўйича масъул муассаса этиб белгиланади.

Дастлаб Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида онкологик касаллиги сабабли паллиатив ва хоспис ёрдамига муҳтож беморларга хизмат кўрсатувчи мобил паллиатив бригадалар ташкил этилади. Самарқанд вилоятида оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болалар учун хоспис шаклида паллиатив ёрдам кўрсатиш марказининг фаолияти йўлга қўйилди.

Паллиатив ва хоспис ёрдамига муҳтожлиги электрон ахборот тизимида қайд этилган беморларга тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан қўшимча тиббий текширув ва кўрикларсиз ногиронлик белгиланади. Уй шароитида парваришга муҳтож беморлар функционал қроват ва махсус матраслар билан ваучер тизими асосида таъминланади.

Шунингдек, маҳалла даражасида паллиатив ёрдам кўрсатиш, уй шароитида қараб туриш ва парвариш хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, беморларнинг оила аъзолари учун “Оилани қўллаб-қувватлаш” хизматини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тақдимотда гематологик ва онкогематологик касалликларга чалинган беморларга

тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари ҳам муҳофаза қилинди.

2026-2030 йилларда бундай касалликларни эрта босқичларда аниқлаш улашини амалдаги 30-40 фоиздан 60 фоизга ошириш режалаштирилган. Беморга ташхис қўйилган вақтдан трансплантация амалиётгача бўлган муддатни 6 ойдан 3 ойгача қисқартириш чоралари кўрилади.

Гематологик касалликларга чалинган беморларни 100 фоиз ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан қамраб олиш, ҳудудларда гемопетик ўзақ хужайралари трансплантацияси амалиётларини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Тақдимотда давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, камида 15 йиллик иш стажига эга ходимлар фарзандларининг республика олий таълим муассасалари бакалавриятда ўқиши учун йиллик контракт тўловининг бир қисмини, шунингдек, шундай иш стажига эга ходимлар ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олишида дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаб бериш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, кўриб чиқилган чора-тадбирларни сифатли амалга ошириш, ҳудудларда онкологик ва гематологик тиббий ёрдами аҳолига яқинлаштириш, замонавий ташхислаш ва даволаш технологияларини жорий этиш юзасидан топшириқлар берди.

ЎЗА

ГИЁХВАНДЛИК ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ, ЙЎЛЛАРДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёхвандликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Авалло, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди. Ушбу қонун парламент томонидан қабул қилинган.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” номи янги боб киритилмоқда, бу орқали аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига таҳдид солаётган хавфли қилмишлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилган.

Наркожиноятларнинг замонавий усул ва шакллари инobatта олиниб, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласига раҳнамолик қилиш, бангхона ташкил этиш каби қилмишлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, 10 дан ортиқ хавфли қилмиш бўйича жазо чоралари оғирлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу қонун наркожиноятчиликка қарши курашишни янги босқичга олиб чиқиш, аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади ҳамда уни имзолади.

Тақдимотда идоралараро ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда наркоказият жиддий ўзгариб, анъанавий гиёхвандлик воситаларининг ўрнини синтетик наркотиклар эгалламоқда. Уларни тарқатиш усуллари ҳам ўзгариб, асосан, интернет орқали контактсиз шаклда амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакат ичкарасида яширин лабораториялар пайдо бўлаётгани ушбу соҳада ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Янги қонун лойиҳасида давлат сиёсатининг 7 та асосий йўналиши белгиланмоқда. Улар орасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда

“гиёхвандликка қарши иммунитет”ни шакллантириш, интернет орқали содир этилаётган наркожиноятларга барҳам бериш, гиёхвандликнинг барвақт профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштириш каби чоралар мавжуд.

Лойиҳада наркотиклар айланмаси, гиёхвандлик ва наркожиноятларга қарши курашишда бевосита иштирок этувчи 14 та давлат органининг вазифа ва вазокатлари аниқ белгиланиши назарда тутилган. Қонуний муомаладаги моддалар устидан давлат назорати кучайтирилиб, уларни олиб киришдан тортиб, реализация қилишгача бўлган жараёнлар узлуқсиз электрон назорат қилинади.

Прекурсорлар, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини қатъий тартибга солишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Бу борада электрон назорат тизимини жорий этиш, ноқонуний ҳолатларга қарши идоралараро ҳамкорликни кучайтириш мумкинлиги қайд этилди.

Тақдимотда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим фуқаролар томонидан вояга етмаган шахсларга транспорт воситасини бошқаришга рухсат берилаётгани, бу эса йўлларда ўлим ва жиддий жароҳат олиш ҳолатларига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Шу боис, янгича ёндашув асосида йўл ҳаракати қондаларига риоя этилишини таъминлаш, оғир оқибатли аварияларнинг олдини олиш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз гиёхвандлик ва наркожиноятларга қарши курашишни замон талабларига асосида ташкил этиш, ёшлар орасида мазкур иллатнинг тарқалишига қатъий чек қўйиш, шунингдек, йўлларда инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифларни маъқуллади. Муҳофаза қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ҚУЁШ, ШАМОЛ, СУВ

Долзарб мавзу

Ўзбекистон “яшил” энергетика инқилобини амалга оширмоқда

Жаҳонда “яшил” тараққиётга интилиб, бу йўлдаги глобал ҳаракатларга қўшилаётган давлатлар сони тобора ортиб бормоқда. Гап фақат табиатни асраш, ресурсларни сақлаб қолиб, келажак авлодга етказиш ҳақидагина бормаяпти. Бугун экологик барқарорлик тушунчаси биз ўйлаганимиздан кўра анча кенгайган ва у бевосита иқтисодий тараққиёт билан боғланмоқда. Кейинги йилларда ақсарият мамлакатлар ўз ривожланиш моделини айнан “яшил иқтисодиёт” тамойилларига ўтишга қўраётди. “Яшил” энергетикани ривожлантириш эса бу борада энг фаол йўналишлардан.

Яқинда бир танишим “Экологик тоза, “яшил” электр энергияси ўзи нима дегани? Бу хонадонларимизда ёниб турган чироқларнинг инсон саломатлиги учун зарарсиз эканини англаётимиз?” деб савол бериб қолди. Бир қарашда савол бир оз ноодатий. Аммо мантқан жон бор. Гап шундаки, “яшил” энергетика — атроф-муҳитга зиён етказмайдиган,

зарарли газ чиқиндиларини ҳосил қилмайдиган, қайта тикланадиган табиий манбалар, хусусан, қуёш, шамол, сув, ер ости иссиқлигидан олинadиган энергия тури. Яъни табиат инъом этган табиий манбалар ҳисобидан электр токи ишлаб чиқарилади. Унда анъанавий газ, кўмир, нефть ёнилғи турларидан фойдаланилмагани боис, атроф-муҳит ва инсонлар

саломатлиги учун зарарсиз саналади. Айтайлик, ўша танишимнинг хонадонида қуёш панели ўрнатилган ва уйини ёритаётган чироқ қуёш нуруларидан олинапти. Демак, бу чироқлар чиндан ушбу хонадон эгаларининг саломатлиги учун зарарсиз.

▶ Давоми 3-бетда

Халқаро ҳамкорлик

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЧЕГАРА БИЛМАС ҚАДРИЯТ

Варшавадаги учрашув ва мулоқотлар

Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз борганда, географик масофалар ўз аҳамиятини йўқотади. Чунки инсон қадр, эркинлиги, шаъни ва хавфсизлиги муайян давлат ёки худуд доирасида чекланмайдиган умуминсоний мезондир. Шу маънода, Польшага хизмат сафаримиз инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий тажриба, халқаро стандартлар ва Ўзаро ҳамкорликни ўйғунлаштирган муҳим мулоқот майдони вазифасини ўтади.

Бу мулоқот учун Варшава шаҳри танлангани ҳам бежиз эмас. У Европа қитъасида инсон ҳуқуқлари, демократия, қонун устуворлиги ва фуқаролик жаҳияти масалалари муҳофизат қилинадиган муҳим платформалардан бири сифатида танилган. Бу ерда турли мамлакатлар ва нуфузли халқаро институтлар вакиллари инсон қадрини таъминлаш, эркинликларни ҳимоя қилиш ва жаҳиятда адолат тамойилларини мустаҳкамлаш

масалалари юзасидан фикр алмашиб келади. Ана шундай муҳитда Ўзбекистон ташаббуси билан инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва гендер тенглик масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилиши мамлакатимиздаги ислохотларни халқаро жамоатчиликка етказиш билан бирга тажриба алмашиш учун муҳим қадам бўлди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР: АДОЛАТЛИ ЙЎЛАКЛАР, РАҚАМЛИ ИШОНЧ ВА РЕСУРС ХАВФСИЗЛИГИ

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар кўпинча йирик рақамлар ва давлатлараро келишувлар орқали баҳоланади. Аммо бу рақамлар ортида деҳқон маҳсулотининг бозорга ўз вақтида етиб бориши, кичик тадбиркорнинг онлайн харидор топиши, ишлаб чиқарувчининг барқарор энергия таъминоти ва минглаб иш ўринлари очиб масаласи турибди.



Зейдулла МУҲИДИНОВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Фаргона водийсида гилос пишганида ёки Самарқандда шафтоли терими бошланганида деҳқон учун битта асосий савол туғилади: маҳсулот дунё бозори, жумладан, Россияга вақтида етиб борадими, йўлда сифати бузилмайдими, пули хавфсиз келадими? Тошкентдаги тикувчи ёки Бухородаги хунарманд олдидан ҳам шунга ўхшаш савол пайдо бўлади: маҳсулотни Москва, Қозон ёки Екатеринбургдаги харидорга қандай етказиш мумкин?

Шу маънода, Ўзбекистон — Россия иқтисодий ҳамкорлиги факат дипломатик баёнотлар мавзуси эмас, балки чегарадаги навбат, темир йўлдаги вагон, бандажи пул ўтказмаси, газ босими, интернет дўконидagi буюртма ва оддий оиланинг даромади билан боғлиқ амалий масалалар.

Миллий статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 81,2 миллиард долларга етган. Бу 2024 йилдагига нисбатан 20,7 фоиз кўп. Мазкур савдода Хитой 21,2 фоиз улуш билан биринчи, Россия 16,5 фоиз улуш билан иккинчи йирик ҳамкор бўлди. Россия билан савдо ҳажми 13 миллиард долларга яқинлашди.

2026 йилнинг дастлабки тўрт ойида ҳам бу тенденция сақланиб: Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида Хитой 6,2 миллиард доллар, Россия эса 4,5 миллиард доллар билан энг йирик шериклар қаторидан жой олди. Демак, Россия бозори Ўзбекистон учун нафақат аънанавий, балки ҳамон жуда катта ва амалий аҳамиятга эга бозор бўлиб қолмоқда.

Бу, халқона тушунирганда, ҳар йили икки мамлакат ўртасида минглаб шартнома, юз минглаб тўлов, миллионлаб тонна товар ва хизматлар ҳаракатланади дегани. Ушбу жараёнда фермер, логистика компанияси, банк, ишлаб чиқарувчи, онлайн сотувчи ва истеъмолчи ягона занжирга уланади.

Икки давлат 2030 йилгача ўзаро савдо ҳажмининг 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилган. Бунга эришиш учун кўпроқ товар сотишнинг ўзи етарли эмас. Савдо таркиби ҳам ўзгариши, хомашё ўрнини тайёр маҳсулот, оддий экспорт ўрнини қўша ишлаб чиқариш ва узоқ мuddатли шерикчилик эгаллаши керак.

Ўзбекистон денгизга чиқиб имконига эга эмаслиги боис, экспортнинг катта қисми темир йўл, автомобиль йўли ва авиацияга боғлиқ. Йўл ишончли бўлмаса, экспортчи шартнома тузишдан қўрқадди, деҳқон маҳсулотини ички бозорда арзон сотишга мажбур бўлади, завод эса хомашёни кеч олади.

2025 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасида темир йўл орқали юк ташини кўрсаткичи 19,3 фоиз ошиб, 8,5 миллион тоннага етди. Авиакатновлар ҳам иқтисодий алоқаларнинг муҳим қисмига айланмоқда: икки мамлакат шаҳарлари ўртасида ҳафтага юзлаб рейслар қатнамоқда. Бу факат йўловчи оқими эмас, балки хизматлар,



Нуқтаи назар

кичик ҳажмли юклар, ишбилармонлик савдо-хизматлари ва туризм учун ҳам имкониятлар. Мева-сабзавот экспортида ҳам вақт алоҳида аҳамиятга эга. Гилос ёки шафтоли учун бир кунлик кечикиш ҳам нарх, сифат ва харидор ишончига таъсир қилади. Шунинг учун музлаткичи контейнерлар, тезкор темир йўл йўналишлари, “Агро-экспресс” каби лойиҳалар ва фитосанитар текширувларни соддалаштириш экспорт учун кат қилувчи омилдир.

Тадбиркорга керакли асосий омил — адолатли йўлак: тариф олдиндан маълум бўлиши, ҳужжат талаблари тушунарли, чегарадаги текширув шаффоф ва тез ўтиши керак. Бундай тизим йўлга қўйилса, ҳамкорликнинг фойдаси биринчи бўлиб экспортчи ва истеъмолчига тегади.

Охириги йилларда Ўзбекистон — Россия савдосида янги тушунча пайдо бўлди: маркетплейслар ва рақамли хизматлар. Аввал ташқи бозорга чиқиш учун йирик дистрибьютор ёки улгуржи харидор топиш керак эди. Ҳозир эса кичик ишлаб чиқарувчи ҳам маҳсулотини онлайн платформа орқали Россиянинг турли шаҳарларига тақлиф қила олади.

Wildberries, Ozon ва бошқа платформалар Ўзбекистон тадбиркорлари учун янги экспорт эшигига айланмоқда. Бу эшикдан тикувчилик, уй-рўзгор буюмлари, хунармандчилик маҳсулотлари, озиқ-овқат ва косметика товарлари ўтди. Йўл логистика ва сертифицирлаш тўғриси қўйилса, кичик цех ҳам ташқи бозорда ўз харидорини топиши мумкин.

Бирок рақамли савдода ҳам қондалар аниқ бўлиши шарт. Онлайн тўлов хавфсизлиги, электрон шартнома икки томон учун тенг кучга эгами, қайтарилган товар учун жавобгарлик кимнинг зиммасида, шахсий маълумотлар қандай ҳимоя қилинади? Бу саволларга тушунарли жавоб бўлмаса, кичик тадбиркор янги бозорга киришдан чўчилади.

Шунинг учун электрон ҳужжатларни ўзаро тан олиш, тўлов тизимларини уйғунлаштириш, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва солиқ ҳисоботини соддалаштириш савдо айланмасига бевосита таъсир этади. Бу масалалар ечилса, онлайн савдо йирик компаниялар эмас, минглаб кичик бизнес субъектлари учун ҳам реал имкониятга айланади.

Шу маънода, Президентимизнинг 4-5 июнь кунлари Россияга амалий ташрифи доирасида 29-Петербург халқаро иқтисодий форумидаги нутқида “Евроосий савдо-иқтисодий санаолаштириш камари”ни шакллантириш ташаббусини илгари сургани гоят катта аҳамиятга эга.

Бундан қўланган асосий мақсад санаот кооперациясининг ягона рақамли платформаси билан бирлаштирилган ишлаб чиқариш ва технологик кластерларнинг ўзаро боғлиқ тизимини яратишдир.

— Рақобат нафақат бозорлар ва табиий ресурслар учун курашда намоён бўлмоқда, балки технологиялар, логистика ва инфратузилма соҳаларида ҳам унинг таъсири сезилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Икки мамлакат ҳамкорлигининг маданий-гуманитар йўналишининг мустақамлаш мақсадида “Самарқанддан Петербургга” креатив-туристик йўналиш боғлиқ янги ишга тушириш тақлифи санъат ва кино

фестиваллари, музей кўргазмалари, гастрономия ҳафталиклари ва мусикий тадбирларни бирлигида ташкил этишни назарда тутди.

Бугун дунё чуқур қайта қуриш жараёнини бошдан кечирмоқда. Транспорт йўналишлари ўзгармоқда, янги ишлаб чиқариш занжирлари шаклланимоқда. Замонавий технология платформалар пайдо бўлиб, барча соҳада сунъий интеллект жорий этилмоқда. Энергетика, озиқ-овқат ва рақамли хавфсизлик масалалари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.

Ишлаб чиқарувчи учун энергия кўриниши, биринчи қарамада, ишчи даромади хавф остида қолади. Ўзбекистон иқтисодиёти ўсгани сари энергияга талаб ҳам ошиб бормоқда.

Россия газ шундан назардан қисқа ва ўрта мuddатли барқарорлик омилига айланади. 2024 йилги ҳисоботларга кўра, Россияда газ истеъмоли 2025 йилга қараганда 1,5 миллиард куб метрни ташкил этади. Кейинги келишувларда йиллик етказиб бериш ҳажмининг 7,7 миллиард куб метргача ошириш кўзда тутилган.

Киш ойларида аҳоли ва санаот учун муҳим ёрдам бўлиши мумкин. Аммо газ импорт энергетика соҳасидаги муаммони ҳал этишда ягона чора эмас. Узоқ мuddатда Ўзбекистон маҳаллий ишлаб чиқариш, қайта тикланувчи энергия, энергия тежамкор технологиялар ва импорт манбаларини бирлигида диверсификациялаши керак.

Ташриф доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирокида мамлакатимизда интеграциялашган атом электр станциясининг биринчи энергия блокни қуришга старт берилгани энергетикадаги энг йирик ва энг маъсулйатли лойиҳалардан биридир.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг атомлаштирилган, индустриал ва илмий тараққиётда янги босқичга олиб бериб, янги тармоқ — атом энергетикасини ривожлантириш учун асос яратди. Станцияни қуриш ва эксплуатацияга тайёрлаш ишлари энг замонавий халқаро стандартлар, илгор муҳандислик ечимлари асосида ҳамда Халқаро атом энергияси агентлигининг доимий назоратида бажарилмоқда. Ушбу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Лойиҳа тўлиқ қувватга ўтган, йилгига тахминан 17,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариши ва мамлакат истеъмолчининг 14 фоизгача қисмини қоплаши кутилмоқда. Бу Ўзбекистон учун базавий электр генерациясини мустақамлаш имкониятидир.

Шу билан бирга, атом энергетикаси фақат мегаватт ёки миллиард киловатт-соат билан ўлчанмайди. Жамоатчилик учун озиқ ахборот, мустақил назорат, хавфсизлик маданияти, кадрлар тайёрлаш, фавқулодда ҳолатларга тайёргарлик ва экологик мониторинг лойиҳанинг ажралмас қисми бўлиши керак.

Президентимиз форумда яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди. Бу капитал бозорини янада ривожлантириш, барқарор молиявий ва инвестициявий платформани шакллантириш мақсадида энг яхши стандартлар асосида фаолият юритадиган Тошкент халқаро молия марказини ташкил этишдир. Марказнинг махсус ҳуқуқий мақом ва солиқ имтиёзларига эга экани инвесторларга бизнес юритиш учун қулай восита ва ишончли қафолатларни тақдим этади.

Савдо ва энергетикадан ташқари, иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши — инвестиция. 2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистонда хоржий инвестиция иштирокидаги 19 минг 72 та корхона фаолият юритмоқда. Улардан 3260 таси Россия капитал иштирокидаги корхоналардир.

Бу корхоналар пул билан бирга янги технология, бошқарув тажрибаси, бозор стандартлари ва иш ўринлари ҳам олиб келади. Маҳаллий бизнес учун эса бундай шериклик янги маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ва рақобатбардошликни ошириши имконияти.

Инвестор учун энг муҳим омил — прогноз қилиниши мумкин бўлган қондалар. Солиқ, валюта, лицензия, суд ва ер ажратиш жараёни қанчалик аниқ бўлса, хавф шунчалик камайдми. Ўзбекистонда 2025 йили ЯИМ реал ҳисобда 7,7 фоиз ўсгани, инфляциянинг 2024 йил охиридаги 9,8 фоиздан 2026 йил апрелида 7 фоизгача пасайгани ва халқаро захираларнинг 2026 йил 1 май ҳолатига кўра, 70,9 миллиард доллар атрофида бўлгани иқтисодий барқарорлик учун муҳим ишорадир.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдонинг 30 миллиард долларга етказиш мақсадида фақат микдор сифатида қараш тўғриси эмас. Савдо ҳажми ўсиши билан бирга сифати ҳам ўзгариши керак.

Ўзбекистон учун бу — мева-сабзавотни қайта ишланган ва қадокланган маҳсулот сифатида сотиш, ип-калавани тайёр тўқимачилик маҳсулотни кўринишида экспорт қилиш, меҳнат ва хомашёдан кўра бренд, дизайн, логистика ва сервисдан кўпроқ даромад олиш дегани. Россия учун эса Ўзбекистон бозорига оддий маҳсулот етказиб беришчи эмас, технология ва қўша ишлаб чиқариш бўйича узоқ мuddатли шерик бўлиши имконияти.

Ҳамкорлик кенгайтиши билан бирга хавфлар ҳам мавжуд: тўловлар, санкциявий чекловлар, валюта ўзгариши, логистикадаги ўзилишлар ва бозорга ортиқча болгани қўлиш эҳтимоли. Шу сабабли экспорт йўналишларини диверсификациялаш, рақобат муҳитини сақлаш ва ички ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилиш муҳим.

Иқтисодий ҳамкорликни қарамлик ёки сиёсий широр эмас, манфаатлар мувозанати сифатида қўриш керак. Асосий вазонат бунда: бу алоқа тадбиркорнинг ишини осонлаштирадими, истеъмолчига танлаш имкониятини берадими, иш ўрни очадими? Агар йўллар, рақамли қондалар, энергия ва инвестиция муҳити шу мақсадга хизмат қилса, 13 миллиард долларлик бугунги савдо келажакда янада барқарор ва фойдали иқтисодий шерикликка айланиши шубҳасиз.

КЎП ҚИРРАЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



Ўзбекистон ва Россия кўп қиррали икки томонлама ҳамкорлигини янада тараққий эттириш учун улкан салоҳиятга эга. Кейинги йилларда икки давлат муносабатлари изчил мустақамлашиб, турли соҳалардаги алоқалар жадал суръатларда ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч, тўғри ташкил этилган тизимли чора-тадбирлар самараси бугун эришилаётган юксак натижаларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон учун Россия минтақадаги шунчаки қўшни эмас, балки вақт синивидан ўтган стратегик шерик ва иттифоқчи. Бугун ўзаро муносабатлар янги тараққиёт босқичига кўтарилиб, ҳамкорлик алоқалари мазмунан бойиб, кўп даражали ва кўп қиррали хусусият касб этмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳам изчил суръатда ривожланмоқда. Жорий йил бошидан бугунга қадар айирбошлаш ҳажмининг 20 фоиз ошгани бунинг яққол далилидир. Санаот, энергетика, металлургия, транспорт, кимё санаоти ҳамда иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида ҳам йирик ва истикболли лойиҳалар амалга оширилаётган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг сиёсий иродаси ҳамда бирлигидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада тараққий эттиришга қаратилган қўша қўша қадамлар билан Россия Федерацияси ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори вазифини ўятапти.

Сўнгги йилларда икки давлат ҳудудлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тобора равангга келиб, ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга олиб чиқаришга қаратилган ҳудудлараро лойиҳалар ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этаётган бўлса, яна 5 миллиард долларлик инвестициялар пакети тайёрланмоқда. Бу эса ҳудудлар ўртасидаги амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб, янги йўналишлар билан бойиб бораётганидан далолат беради.

Ўзаро ҳамкорлик барча муҳим соҳа, жумладан, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат санаоти ва бошқа тармоқларни қамраб олмақда. Айниқса, Ўзбекистоннинг бешта ҳудудда ташкил этилаётган қўша санаот парклари ва Тошкентда иш бошлаган қўша вагонсозлик кластери ушбу ҳамкорликнинг амалий натижаси сифатида жуда муҳим.

Ҳозир энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора катта аҳамият касб этмоқда. Инвестиция лойиҳалари натижасида мамлакатимизда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробар оширилди. Яъни 58 миллиард киловатт-соатдан 87 миллиард киловатт-соатга етказилди. 2030 йилгача генерацияни 120 миллиард киловатт-соатгача кўпайтириш режалаштирилмоқда. Ушбу ҳажмининг 54 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ташкил этади.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда ушбу йўналишдаги ҳамкорлик парламентлар вакилларининг ўзаро ташрифлари орқали изчил мустақамлашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думасининг ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссияси ҳамда ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи парламентлараро муносабатларни мустақамлашга кучли туртки бормоқда.

Президентимизнинг шу йил 4-5 июнь шу йили Россия Федерациясига амалий ташрифи, шубҳасиз, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга қатъий суръат бағишлаб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларида янги саҳифа очди.

Ўзбекистонда интеграциялашган атом электр станциясининг биринчи энергия блокни қуриш ишлари старт берилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг технологик, индустриал ва илмий тараққиётда янги босқични бошлаб беради. Энг муҳими, ушбу



Нарғиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

улкан лойиҳа Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Ташриф давомида мамлакатимиз етакчисининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг янги йиғилишида иштирок этгани ва нутқ сўзлагани Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий мулоқотлардаги фаол ва конструктив ўрнини яна бир намоён этди. Айниқса, форум доирасида илгари сурилган ташаббуслар мамлакатимизнинг минтақавий ҳамда глобал иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган изчил ва прагматик сиёсатини яққол ифода этади.

Масалан, ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида қўша рақамли экотизимни шакллантиришга киришиш ҳақидаги тақлиф икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни замонавий босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Бундай экотизим савдо, логистика, тўлов хизматлари, электрон тижорат, маълумотлар алмашинуви ва рақамли сервисларни ягона уйғун платформада бириштириш, бизнес учун янги бозорлар, фуқаролар учун эса даромад топишда қўшмича имкониятлар яратди.

Инсон капиталини ривожлантириш қўша онлайн-платформасини яратиш тақлифи, аввало, таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозори содиратидаги уйғун боғлиқликни кучайтиришга туртки беради. Асосийси, бундай платформа ёшлар ва мутахассислар учун замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш, малака ошириш, қайта тайёрлашни ҳамда рақобатбардош касбларни ўзлаштириш имкониятини кенгайтиради.

Бу эса, ўз навбатида, икки мамлакат ўртасида илмий-таълимий алоқаларни мустақамлашга, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва иқтисодиётнинг янги тармоқлари учун зарур мутахассислар захирасини шакллантиришда муҳим амалий механизм бўлади.

Президентимизнинг маданий-гуманитар ҳамкорлигини янада мустақамлаш мақсадида “Самарқанддан Петербургга” креатив-туристик йўналиш лойиҳасини ишга тушириш тақлифи ҳам муҳим ташаббуслардан бўлди. Ушбу лойиҳа икки халқ ўртасидаги маданий мулоқотни чуқурлаштириш, туристик алоқаларни кенгайтириш ва тарихий-маънавий яқинликни янги мазмун билан бойитишга замин яратди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали, барқарор ва истикболли хусусиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг Петербург халқаро иқтисодий форумидаги нутқи ва илгари сурган долзарб ташаббуслари мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий майдондаги фаол позициясини намоён этиш, хоржий инвесторлар ва ҳамкор давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, минтақавий ва глобал иқтисодий ҳамкорлигини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Ислохотлар остонаси

Инсон доим ўзи туғилиб ўсган юртини обод, одамларини эса бахтли қўришни истайди. Чунки ҳақиқий бахт фақат шахсий фаровонлик билан ўлчанмайди. Агар ҳаётингиз тўқис, бироқ қўшингиз оғир аҳволда яшаётган бўлса, бундай ҳолатда тўлиқ хотиржамликни ҳис қилиш имконсиз.

Шу сабабли тараққиёт, энг аввало, энг кичик, аммо энг муҳим бугундан — маҳалладан бошланиши керак. Чунки у давлат ва жамяят ўртасидаги энг яқин, энг жонли кўприқдир. Аян шунда эрданинг одамнинг қайфияти, турмуши ва келажакка ишончи шаклланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йили Қорақалпоғистонга ташрифи давомида “Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар бундан буён ҳам албатта давом этирилади. Чунки Қорақалпоғистоннинг тақдирини — бу Ўзбекистоннинг тақдирини, қорақалпоқ халқининг бахтини ва фаровонлигини — бу бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир” деган сўзлари ҳаётда амалий тасдиқини топиб бормоқда.

Бугун маҳалла институтига эътибор янги босқичга кўтарилмоқда. Маҳалла тизими шунчаки ҳудудий бошқарув эмас, балки халқнинг дардини тинглайдиган, муаммоларни аниқлайдиган ва ечимини энг қўйи бўғинда ҳал қиладиган амалий механизм сифатида шаклланипти. Бу тизим орқали давлат сиёсати одамлар ҳаётига янада яқинлашиб, ҳар бир оиланинг ҳолати ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатиши имконияти кенгайтирилди.

Нукус шаҳридаги Наўбахар маҳалласи ҳам ана шундай ислохотлар самараси сезилаётган ҳудудлардан. Маҳалламизда 1652 та оила ишайди. Кўп миллатли аҳоли бир ҳудудда аҳил-иноқ яшаб келаётгани ижтимоий барқарорлигини янада мустақамлашмоқда.

ЭЛ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА



Маҳалламизнинг ижтимоий инфратузилмаси босқичма-босқич ривожланмоқда. 4 та болалар боғчаси ёш авлодни мактабга таълимга қамраб олишга хизмат қилса, 1 та мактаб ва 1 та техникум таълим тизимининг узлуксизлигини таъминламоқда. Бу ҳолат маҳаллада билимни ва малакали кадрлар шаклланишига замин яратмоқда. Шунингдек, 1 та хусусий клиника аҳоли саломатлигини уюштурувчи бўлиб, 11 та савдо, 6 та маънавий хизмат кўрсатиш шохбчаси ҳам эл хизматига.

Ҳудудда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва паррандачилик асосий ҳаракатлантурувчи йўналишга айланган. Сўнгги икки йилда 44 фуқаро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгани аҳоли ўртасида иқтисодий фаолият ортиб бораётганидан далолат. Бунинг ортидан янги иш ўринлари, янги даромад манбалари очилгани ва энг муҳими, одамларда ўз меҳнати орқали турмушини яхшилашга ишонч кучайгани муҳим.

Аҳолининг қўшимча даромад топишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмиш.

Балиқчилик ва томорқачиликнинг ривожланиши оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини мустақамлашмоқда. Бу эса маҳаллада бирламчи эктиёжларини қоплаш билан бирга кичик тадбиркорлик маданияти шаклланиётгани ҳам аналтади.

Ободонлаштириш ишлари ҳам тизимли йўлга қўйилган. Маҳалламиз боғи нафақат кўркам ҳудуд, балки аҳолининг дам олиш ва мулоқот максаига айланган. Ҳар йили хиёбонга 1800 тупдан ортқ мевали ва манзарали кўчат экилиши экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилмоқда. Ҳанарлар аҳолини бириштиришни ижтимоий аънаъга айланган.

Энг муҳими, маҳалламизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” тамойили асосида тизимли ишлар бажарилмоқда. “Маҳалла еттичилиги” аҳоли билан яқин мулоқотда бўлиб, ҳар бир оиланинг муаммосини ўрганиш ва амалий ечим топишга қаратилган. Тинчликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ишсизликни камайитириш борасидаги ишлар ҳам яхлит тизимга солинган ҳолда давом этмоқда.

Жамбул УРАЗБАЕВ,
Нукус шаҳридаги “Наўбахар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Долзарб мавзу

ҚУЁШ, ШАМОЛ, СУВ

Бошланиши 1-бетда

“Яшил” энергетиканинг экологик хавфсизлиги таъминлашдан ташқари, тежамкорлик, иқтисодий барқарорлигини оширишдаги улуши ҳам юқори. Бу турдаги электр энергиясини узлуксиз ишлаб чиқариш имконияти иқтисодиёт тармоқларининг доимий ишлаши, ривожланиб боришини кучайтиради. Чунки табиий манбалар захираси қанчалардир тугаши ёки давлатларнинг иқтисодий барқарорлиги ана шу захиралар ҳажмига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин. Муқобил энергия манбалари эса бу борадаги чекловларни бартараф этади. Фақат ундан тўғри ва самарали фойдаланилса, бўлган. Шу боис, юртимизда “яшил” энергетика иқтисодий барқарорлик ва экологик тозаликни таъминлашда устувор йўналишлардан бирига айланган.

Бу таъриф бир оз оддий бўлди, назаримда. Чунки Ўзбекистон кейинги йилларда “яшил иқтисодиёт”га жадал ўтиб борапти. Қисқа муддатда мамлакатимиз қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушириш бўйича етакчи давлатлар қаторига қўшилиш баробарида ўз тажрибасини яратишга эришди. Бугун юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қуввати 5,5 гигаваттдан ошиб, тоза энергиянинг умумий энергетика балансидаги улуши 30 фоиздан ортди.

2030 йилга бориб, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келиши режалаштирилган. Бу мақсадга янги қувватларни ишга тушириш, газ ҳамда бошқа зарарли ёқилги турларидан фойдаланмаган ҳолда “яшил” энергетика ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига эришилади. Энергетика вазирлиги маълумотиغا кўра, ўтган йили юртимизда 2016 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп электр энергияси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга 71 миллиард килловатт-соат электр токи етказиб берилган.

Жорий йилнинг 13 май куни эса юртимиздаги қуёш ва шамол электр станцияларида суткалик ишлаб чиқариш бўйича янги рекорд ўрнатилди. Бир суткада 62,4 миллион килловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилиб, аввалги рекорддан 20 фоиз зиёд натижа қайд этилди. Шу йил 14 май куни бу борада яна бир юқори кўрсаткич эълон қилинди — Ўзбекистондаги қуёш ва шамол станциялари томонидан 2026 йил бошидан бери ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 4 миллиард килловатт-соатга етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29 фоиз кўп бўлиб, ушбу қувват ҳисобига 1 миллиард 66 миллион куб метр табиий газ тежаланишига эришилган ҳамда атмосферага 2,3 миллион тонна зарарли модда чиқишининг олди олинган.

Ўнлаб қуёш ва шамол электр станциялари

Ушбу рақамлар ортда ўнлаб янги электр станциялари ва қувватларининг яратилиши, энг илгор технологиялар, ишончли таъминот ва мустақкам инфратузилма, инвестициялар учун очиклик, инвесторлар ишончи, минглаб янги иш ўринлари ва албатта, иқтисодиёт ҳамда аҳоли фаровонлиги турибди. Бундан тўққиз йил олдин “яшил” энергетика борасида деярли тажрибаси бўлмаган Ўзбекистон учун бу катта натижа, инқилобий ўзгариш, дейиш мумкин.

Мамлакатимизда қуёш ёки шамолдан электр энергияси олиш у ёқда турсин, бунинг учун зарур станциялар қуришининг ўзи ақлбавар қилмас ишдек эди. “Яшил” энергетикага ўтиш йўлидаги ислохотлар 2019 йилдан кейингина бошланди. Бу юртимизда қуёш ва шамол энергиясини салоҳиятидан электрга ахтиёжни қондиришда фойдаланишга қаратилган аниқ мақсаднинг бошланиши эди. Унгача фақат қуёшли ўлкада яшашимиз, бу дехқончиликда қўл келиши ҳақида тўлқинлидек гапирардик. Бугун эса дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш имкониятлари ва ҳаракатлари ҳақида гапиряпти, йирик лойиҳаларни катта қизиқиш билан кузатяпти.



Ўзбекистон “яшил” энергетика инқилобини амалга оширмақда



Деярли барча вилоятда замонавий қуёш ва шамол электр станциялари барпо этилмоқда. Агар йиллар кесимида олсак, лойиҳалар сони ҳам, кўлами ҳам ортиб бораётгани кўринади. Хусусан, 2021 йил августда Навоий вилоятининг Кармана туманида Ўзбекистондаги илк 100 мегаватт қувватли йирик қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилган эди. 2022 йил майда Самарқанд вилояти Нуробод туманида иккинчи 100 мегаватт қувватли қуёш фотозлектр станцияси фаолият бошлади. 2023 йил ҳам тармоқда анча баракали бўлди. Жиззах вилоятининг Галларол туманида 220 мегаватт, Бухоро вилоятининг Қоровулборз туманида 200 мегаватт, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида 200 мегаватт, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида 457 мегаватт қувватли қуёш фотозлектр станциялари ишга туширилди. 2024 йилда мазкур лойиҳаларнинг қўшимча янги қувватлари ҳам йўлга қўйилди.

Умуман, ўтган йилларда 40 дан ортик “яшил” электр станциясини қуриш бўйича инвесторлар билан битим имзоланган бўлиб, бугунга қадар умумий 5582 мегаватт қувват ишга туширилди. Бу лойиҳалар жаҳон “яшил” энергетика майдонининг гигантлари билан амалга ошириляётгани янада аҳамиятли. Саудия Арабистонининг “ACWA”, БААнинг “Masdar”, “Tepelen Group AG” ва “AMEA Power”, Франциянинг “Total Eren”, “Volitalia”, Хитойнинг “Gezhouba Overseas Investment Group”, “China Datang Overseas Investment” ҳамда “Universal Energy”, Германиянинг “Hyper Partners” компаниялари томонидан бошланган йирик лойиҳалар бугунга қадар фаол давом эттирилмоқда.

Ҳамкорлар — дунё энергетика соҳасининг гигантлари

Ҳар йили халқаро “Энергетика ҳафталиги” доирасида ана шундай йирик, нуфузли компаниялар вакилларининг юртимизга келиши, янги лойиҳаларга старт берилиши ҳам анъанага айланган.

Жорий йилги ҳафталик доирасида бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Пойтахтимиздаги САЕХ кўргазмалар майдонида 12-14 май кунлари бўлиб ўтган навбатдаги “Ўзбекистон энергетика ҳафталиги — 2026” тадбирларида 34 давлатдан келган 1800 дан ортик делегат, 18 мингдан зиёд маҳаллий ва хорижий вакил иштирок этди. Тадбирлар кун тартибидидаги масалалардан бири “яшил” энергетикани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, хорижлик мەҳмонлар Ўзбекистонда бу борадаги ислохотларни юқори баҳоладди.

Франциянинг “Volitalia” компанияси билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар ҳам анча жадаллашмоқда. Яқинда улар орасига янгилари қўшилади. Энергетика ҳафталиги доирасида компания вакиллари билан режадаги лойиҳалар муҳокама қилинди. Улар орасида Бухоро вилоятида қуввати 100 мегаватт бўлган шамол электр станцияси, 100 ҳамда 200 мегаватт-соат энергия сақлаш

Одатда ҳафталик тадбирлари шунчаки ўтмайди, янги келишувлар, битимларга асос бўлади. Бу гал кўлам янада кенгайди. Энергетика ҳафталигининг илк кунлариданоқ қатор лойиҳаларга старт берилиб, янги қувватлар ишга туширилди. Хусусан, Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ва БААнинг машҳур “AMEA Power” компанияси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида қиймати 86,1 миллион доллар бўлган 150 мегаватт қувватли энергия сақлаш тизими қурилиши бошланди.

— Мазкур компания бошқа лойиҳаларининг ҳам молиялаштиришда, — деди Энергетика вазирлиги лойиҳа офиси раҳбари Фаэлиддин Шарофиддинов. — Хусусан,



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАҢҚ ТИЛИДА ҲАМ УЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида қиймати 1,06 миллиард доллар бўлган 1000 мегаватт қувватли шамол электр станцияси ҳамда 40 километр узунликдаги электр узатиш тармоғини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳаларнинг ҳар бири катта кўламга эга. Асосийси, улар юртимиз энергетика инфратузилмасини янада мустақкамлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш ҳамда энергия таъминоти барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Франциянинг “Volitalia” компанияси билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар ҳам анча жадаллашмоқда. Яқинда улар орасига янгилари қўшилади. Энергетика ҳафталиги доирасида компания вакиллари билан режадаги лойиҳалар муҳокама қилинди. Улар орасида Бухоро вилоятида қуввати 100 мегаватт бўлган шамол электр станцияси, 100 ҳамда 200 мегаватт-соат энергия сақлаш

СУВ

тизминга қуриш, жорий йил июлда Тошкент вилоятида қуввати 500 килловатт бўлган агроволтаика қуёш электр станциясини ишга тушириш лойиҳалари бор.

Янги тарифлар: ким қанча тўлайди?

“Яшил” энергетиканинг яна бир афзаллиги истеъмол харажатларини камайитиришида. Масалан, хонадонига қуёш панели ўрнатган оиланинг электр токи учун тўлови электр энергиясини умумий тармоқдан оладиган оиланикига нисбатан анча арзон тушади. Эҳтиёждан ортган электр токни давлатга сотиш ҳам мумкин.

Мазкур амалиёт Ўзбекистон тарихида илк бор 2021 йилдан бошланди. Ҳозир аҳоли хонадонига ўрнатилган қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ҳар килловатини давлат 1000 сўмдан сотиб олади. Маълумотларга кўра, ўтган йили қуёш панеллари ўрнатган 45 минг 381 жисмоний шахс давлатга 209 миллиард 201 миллион сўмлик электр энергияси сотган.

Бу хонадонлар учун қўшимча даромад манбаи ҳамдир. Аммо масаланинг асосий жиҳати электр энергияси учун тўлов харажатининг камайишида. Кам таъминланган хонадонларга давлат томонидан имтиёзли шартларда қуёш панеллари ўрнатиб берилётгани боиси шунда.

Энергетика соҳасида бозор иқтисодиётига ўтилганига кўп бўлмади. Аммо аллақачон электр токи нархи бевосита ишлаб чиқариш харажати, талаб ва тақлиф, жаҳон бозоридида нарх-навога қараб белгиланиши, истеъмолга яраша тўлов шартларига мослаштирилди.

Шу йил 1 июндан юртимизда жорий этиляётган электр энергияси ва табиий газнинг янги тарифларида ҳам янги жиҳатлар назарда тутилмоқда. Хукуматнинг тегишли қарори билан I, II ва IV гуруҳ истеъмолчилари учун электр энергиясининг 1 килловатт-соати 1100 сўм этиб белгиланди. III гуруҳ, жумладан, аҳоли учун эса табақалаштирилган тарифлар сақлаб қолинди.

Энди оватқ тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталар билан жиҳозланган кўп қаватли уйлар ва ётоқхоналарда яшовчи аҳоли ойига 200 килловатт-соатга 325 сўм, 201 килловатт-соатдан 500 килловатт-соатга 450 сўм, 501 килловатт-соатдан 1000 килловатт-соатга 550 сўм тўлайди. Қолган маънавий истеъмолчилар учун эса тарифлар бошқачароқ — ойига 200 килловатт-соатга 650 сўм, 201 килловатт-соатдан 500 килловатт-соатга 900 сўм, 501 килловатт-соатдан 1000 килловатт-соатга 1100 сўм бўлади.

Истеъмол ортгани сари тўлов миқдори ҳам ошиб боради. Жаҳон амалиётида ҳам шундай. Гап фақат тўлов механизмида эмас, дунё бўйича электр энергияси нархи ҳам сезиларли ошиб бормоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилликда жаҳон энергетика тизими энг оғир даврлардан бирини бошдан кечирмоқда. Айниқсан, жаҳон энергетикасидаги вазият 2021-2022 йиллардаги энергетика инқирозидан сўнг кескин ёмонлашган. Европада газ нархи тарихий энг юқори кўрсаткичларга етди. Айрим мамлакатларда эса электр энергияси қиймати бир неча баробар ошган. Бу Ўзбекистондан узоқдаги давлатларнинг ички муаммоси эмас, балки бутун дунёни боғлаб турган глобал жондор. Мазкур жараён охири-оқибат ҳар бир ўзбек хонадонидидаги электр ва газ харажатларида ҳам сезилмай қолмайди.

Мураккаб вазиятга қарамай, юртимизда айни масалада кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилган. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарорлари асосан эҳтиёжманд оилаларга йил давомида ишлатилган электр энергияси ва табиий газ учун давлат томонидан ҳар ойда компенсация берилди. Бу ҳам ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга қўшимча ёрдам бўлмоқда.

Электр энергияси нархи ортиб бораётган шариоатда одамларнинг ўзи ҳам муқобил энергия манбаларига ўтиш анча самарали эканини англамоқда. Ҳозир кўплаб корхона, давлат ташкилотлари, аҳоли хонадонлари томида қуёш панелларига кўзимиз тушади. Яқин йилларда уларнинг сони янада ортиши шубҳасиз.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқаро ҳамкорлик

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЧЕГАРА БИЛМАС ҚАДРИЯТ

Варшавадаги учрашув ва мулоқотлар

Бошланиши 1-бетда

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат институтилари, парламент тузилмалари, инсон ҳуқуқлари миллий институтилари, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий “Одами эрсанг, демагил одами, ониким йўқ халқ гамидин гами”, деган эди. Бу ҳикмат бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай ислохот марказида халқ таъбири, инсон дарди ва жамият олдидаги масъулият туриши керак.

Варшавадаги мулоқотларда ҳам айнан шунга — инсонни эшитиш, ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва давлат институтиларини одамларга яқинлаштириш масаласи етакчи ўрин тутди.

Давра суҳбатига сўз эркинлиги масаласи ҳам алоҳида муҳокама қилинди. Бугунги ахборот асрида сўз эркинлиги жамиятнинг оқиллиги, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ демократик мезондир. Шу билан бирга, эркинлик масъулият билан уйғун бўлгандагина жамият манфатига хизмат қилади. Ахборотнинг холислиги, текширилганлиги, иккинчи томон позициясини эшитиш маданияти ва инсон шаънини ҳурмат қилиш замонавий медиа муҳитининг ажралмас талабидир.

Гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам тадбирнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим, меҳнат, тадбиркорлик ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, оилавий зўравонликка қарши ҳуқуқий механизмларни кучайтириш борасидаги



Феруза ЭШМАТОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

ўрин тутатганини қайд этди. Бу фикр, ўз навбатида, омбудсман институтининг нафақат миллий ҳуқуқий тизимда, балки халқаро экспертлар ишонқида ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим механизми сифатида баҳоланаётганини аниқлади.

Бу жиҳатлар Варшавадаги тадбирнинг яна бир муҳим натижасини кўрсатади: Ўзбекистондаги ислохотлар ҳақида фақат мамлакат ичиде эмас, балки хорижий илмий-таҳлилий доираларда ҳам ижобий фикрлар билдирилмоқда. Демак, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзгаришлар халқаро мулоқотнинг ҳам муҳим мавзусига айланмоқда.

Сафар доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари

Варшавадаги мулоқотларда яна бир муҳим жиҳат яққол намойён бўлди: Ўзбекистондаги ислохотлар халқаро экспертлар, тадқиқотчилар ва таҳлил марказлари томонидан кузатиб борилаётган. Бу эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва ижтимоий адолат соҳаларидаги ўзгаришлар минтақавий доирдан чиқиб, халқаро илмий-таҳлилий муҳитда ҳам эътибор марказида эканини кўрсатади.

ишлар халқаро экспертлар ва ҳамкорлар эътиборига тақдим этилди. Бу йўналишдаги мулоқотлар гендер тенглик фақат аёллар масаласи эмас, балки жамиятнинг адолатли, барқарор ва фаровон ривожланиши билан боғлиқ умумий миллий масала эканини кўрсатади.

Варшавадаги мулоқотларда яна бир муҳим жиҳат яққол намойён бўлди: Ўзбекистондаги ислохотлар халқаро экспертлар, тадқиқотчилар ва таҳлил марказлари томонидан кузатиб борилаётган. Бу эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва ижтимоий адолат соҳаларидаги ўзгаришлар минтақавий доирдан чиқиб, халқаро илмий-таҳлилий муҳитда ҳам эътибор марказида эканини кўрсатади.

Жумладан, Шарқ тадқиқотлари марказининг Марказий Осиё бўйича таҳлилчиси Дарья Зелинская Ўзбекистонда, айниқсан, 2016 йилдан буён инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалаларида сезиларли ютуқларга эришилганини таъкидлади. Унинг фикрича, оилавий зўравонликка қарши курашиш, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, оилавий ҳаётдаги мустақиллиги ва ижтимоий ролини кучайтириш борасида муҳим қадамлар ташланган.

Ташқи ишлар бўйича “Оппортьюнити” таҳлил маркази таҳлилчиси Марчин Попплавски Ўзбекистондаги ислохотлар мамлакатини либераллаштиришга хизмат қилгани, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлардан кенгроқ фойдаланиши учун имконият яратганини таъкидлади. У, шунингдек, 2023 йилдаги конституциявий ислохотлар давлатнинг инсонга муносақати ва ёндашувини янги босқичга олиб чиққани, Ўзбекистоннинг ўзини ижтимоий давлат сифатида эътироф этиши фуқаролар олдидаги мажбуриятларини янада аниқ белгилашга хизмат қилганини қайд этди.

Варшава университети сиёсий фанлар ва халқаро тадқиқотлар факультети ходими Лида Масальска эса Ўзбекистонда омбудсман институтининг фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасини такомиллаштириш, ҳуқуқий тизимни ривожлантириш ҳамда инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган эътиборни кучайтиришда муҳим

бўйича бюроси, Польша омбудсмани, Польша парламенти, Польша конституциявий трибунали ва бошқа тузилмалар вакиллари билан мулоқотларда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтилар ўртасида тажриба алмашиш, парламент назорати, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳар бир мамлакатнинг ўз таърибаси, ҳуқуқий тизими ва ижтимоий воқелиги бор. Аммо барча давлат учун умумий бир мезон мавжуд: инсон шаънини ҳимоя қилиш. Варшавадаги учрашувлар ана шу умумий мезон атрофида очик, амалий ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқот шаклланганини кўрсатади.

Хизмат сафарининг яна бир муҳим жиҳати Польшадаги айрим муассасаларга уюштирилган таширфлар ва у ерда сақланаётган Ўзбекистон фуқаролари билан ўтказилган суҳбатлар бўлди. Чунки хорижда бўлса ҳам ўз фуқаросининг ҳолидан хабар олиш, унинг шариоатини ўрганиш, мурожаатини эшитиш ва ҳуқуқий ҳимояси масаласини эътиборга олиш муҳим масала.

Варшавадаги мулоқотлар расмий учрашувлар билангина чекланмади. Сафар доирасида Польшада вақтинча ишлаётган Ўзбекистон фуқаролари билан учрашув, уларнинг яшаш ва меҳнат шариоати, ҳуқуқий масалалари ҳамда мурожаатлари тингиланди. Бу ҳолат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масъулияти давлат чегараси билан чекланмаслигини яна бир бор намойён этди.

Ўзбекистоннинг Варшавадаги ташаббуси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва гендер тенглик соҳасидаги ислохотларни халқаро майдонда тақдим этиш билан бирга янги ҳамкорлик йўналишларини белгилаш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва миллий механизмларни янада такомиллаштириш учун имконият яратди.

Инсон ҳуқуқлари — чегара билмас қадрият. У қаерда ҳимоя қилинса, ўша ерда ишонч мустақкамланади. У қаерда қадар топса, ўша ерда адолатга йўл очилади. Варшавадаги мулоқотлар эса ана шу қадриятни янада мустақкамлаш йўлидаги салмоқли қадамлардан бири бўлди.



Саноат иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан. У ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, юқори қўшилган қиймат яратиш ҳамда экспортни диверсификация қилишда бирламчи ўрин тутди. Жаҳон иқтисодиётида ҳам саноат соҳаси иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим тармоқлардан. Ҳозир саноат глобал ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 26 фоизини ташкил этади. Унинг таркибида қайта ишлаш саноати алоҳида аҳамиятга эга. У жаҳон ЯИМнинг 16-17 фоизини таъминлайди ҳамда саноат қўшилган қийматининг қарийб 80 фоизини шакллантиради.



Искандар ЎРОҚБОЕВ, Барқарор ривожланиш маркази бўлим бошлиғи

Шунингдек, жаҳон иқтисодиётида иш билан банд аҳоли сони тахминан 3,5 миллиардга ташкил этиб, уларнинг қарийб 24 фоизи саноат тармоқларида фаолият юротади. Шу билан бирга, глобал миқёсда асосий капиталга киритилган хоржий инвестиция ва кредитларнинг асосий қисми саноат тармоқларига йўналтирилмоқда. Бу ҳолат саноатнинг глобал иқтисодиётда иш ўринлари очиб ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутганини кўрсатади.

БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти томонидан тайёрланган 2026 йилги Саноат ривожланиши ҳисоботида кўра, саноат соҳаси технология тармақлари ва барқарор ривожланиши таъминлашда асосий драйверлардан. Хусусан, халқаро ташкилотлар ҳисоботида таъкидланишича, келгуси ўн йилликларда глобал иқтисодий ривожланиш рақамлаштириш, сунъий интеллект технологиялари, "яшил" энергетика, яримўтказкичлар ишлаб чиқариш ва электр транспорт воситалари каби янги технология йўналишлари таъсирда шаклланади. Шу билан бирга, саноатлашув иш ўринлари очиш, инновацияларни рағбатлантириш ва қиймат занжирларини кенгайтириш орқали иқтисодий номуносабибликлари камайитириш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланиши таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, жаҳон таърибаси барқарор иқтисодий ўсишга эришган мамлакатлар саноатни модернизация қилиш ва технология ривожлантириши устувор йўналиш сифатида белгилаганини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам 2017 йилдан бошлаб иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу жараён Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланиб, кейинчалик Тараққиёт стратегияси орқали изчил давом эттирилди. Ушбу



Саноат тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ҳажми ҳам сезиларли даражада кенгайди. Хусусан, мазкур кўрсаткич 2017 йилда 73,3 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, 472,7 триллион сўмга етди. Инфляция таъсирини ҳисобга олганда, ўсиш суръати тахминан 2,8 баробарни ташкил этди.



ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИГА ТАЯНГАН САНОАТ ЁХУД ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ДРАЙВЕРИ ТАҲЛИЛИ

ислохотларнинг мантқий давоми сифатида "Ўзбекистон — 2030" стратегияси саноат соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) билан уйғунлиги мамлакатнинг глобал майдондаги позициясини мустаҳкамлаб, саноат соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириди. Стратегиянинг 48-мақсади доирасида саноатда қўшилган қийматни ҳозирги 36,5 миллиард доллардан 60 миллиард долларга етказиш, тоғ-кон саноатида маҳаллийлаштириш, саноат кооперацияси ҳамда шатакка олиш тизими доирасида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажминини ҳозирги 1,5 миллиард доллардан 2 миллиард долларга етказиш, тўқимачиликда калава ипини қайта ишлаш даражасини ҳозирги 65,9 фоиздан 100 фоизга етказиш бўйича вазифалар белгиланган.

Натижада қайта ишлаш саноатини кенгайтириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва "яшил" индустриал ривожланиши таъминлаш устувор вазифаларга айланди. Шу жиҳатдан 2017-2025 йиллари Ўзбекистон саноатида таркибий трансформация босқичи сифатида баҳолаш мумкин.

Макроиқтисодий ҳолат ва инвестиция

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш тенденциясини намоян қилди. Ушбу даврда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўртача йиллик ўсиш суръати тахминан 6 фоизни ташкил этди. Жумладан, иқтисодий ўсиш 2017 йилда 4,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 6,1 фоизга кўтарилди ҳамда 2025 йилда 7,7 фоиз даражасида қайта этилди. Натижада 2025 йилга келиб, мамлакат ЯИМ ҳажми тарихда илк бор 147 миллиард доллардан ошди. Мазкур ўсишда саноат тармоқларининг ҳиссаси сезиларли бўлди. Жумладан, 2025 йилда саноат ишлаб чиқариши 6,8 фоиз ўсди.

Саноат тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ҳажми ҳам сезиларли даражада кенгайди. Хусусан, мазкур кўрсаткич 2017 йилда 73,3 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, 472,7 триллион сўмга етди. Инфляция таъсирини ҳисобга олганда, ўсиш суръати тахминан 2,8 баробарни ташкил этди.

Шу билан бирга, ЯИМ таркибида саноатнинг улуши ҳам ўсиш тенденциясини намоян қилди. Жумладан, 2017 йилда саноат ялпи қўшилган қийматининг ЯИМдаги улуши 22 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, 26,8 фоизга етди. Бу ҳолат саноат тармоқларининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ортаётгани ва иқтисодий ўсишда саноатнинг драйвер сифатидаги роли кучайиб бораётганини кўрсатади.

2017-2025 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган умумий хоржий инвестиция ҳажми тахминан 130 миллиард долларни ташкил этди. Ушбу даврда асосий капиталга киритилган хоржий инвестициялар ва кредитларнинг ўртача ҳисобда қарийб 70 фоизи саноат тармоқларига



йўналтирилди. Бунда тоғ-кон, ишлаб чиқариш саноати, электр энергияси, газ ва буг билан таъминлаш, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тармоқлари асосий инвестиция қабул қилувчи соҳалар бўлди.

2025 йилда янги асосий фондларни яратишга қаратилган хоржий инвестиция ва кредитлар 33,5 миллиард доллар (422,1 триллион сўмни) ташкил этди. Уларнинг тармоқлар кесимида тақсимланишига кўра, 33,2 фоизи ишлаб чиқариш саноатига, 17,1 фоизи электр ва газ таъминоти, 11,9 фоизи тоғ-кон саноатига, 2,1 фоизи эса сув таъминоти ва канализация хизматларига тўғри келди.

Умуман олганда, 2025 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 591,1 триллион сўмни ташкил этиб, шундан 24,75 миллиард доллар саноат тармоқларига йўналтирилди. Натижада ушбу тармоққа йўналтирилган инвестициялар улуши 2017 йилдаги 45 фоиздан 2025 йилда 53 фоизгача ошди.

Ийрик инвестиция лойиҳалари асосан металлургия, мисни қайта ишлаш, нефть-газ қимёси, қурилиш материаллари ҳамда автомобилсозлик соҳаларида амалга оширилди. Инвестициялар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш даражасини оширишга хизмат қилди.

Қайта ишлаш ва таркибий трансформация

Ушбу сармоялар асосида қайта ишлаш саноатида сезиларли ўсиш кузатилди. 2017-2025 йилларда Ўзбекистон саноати таркибида қайта ишлаш саноати етақчи ўрнини эгаллаб, иқтисодий ўсишнинг асосий драйверига айланди. Бу даврда саноат таркиби диверсификацияланиб, қурилиш материаллари, машинасозлик ва автосаноат каби тармоқларда юқори ўсиш суръати кузатилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилда 148,8 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, 1101,1 триллион сўмга етди. Инфляцияни ҳисобга олганда реал ўсиш тахминан 3,2 баробарни ташкил қилди.

Қайта ишлаш саноатининг саноат таркибидagi улуши 2017 йилдаги 78,1 фоиздан 2025 йилга келиб, 86 фоизгача ошди. Номинал ҳажм эса 112,7 триллион сўмдан 947,2 триллион сўмгача кўпайди. Айниқса, қурилиш материаллари ва машинасозлик тармоқларида сезиларли ўсиш кузатилди. Хусусан, цемент ишлаб чиқариш 2017 йилдаги 8,5 миллион тоннадан 2025 йилда 20,2 миллион тоннагача ошди, енгил автомобиль ишлаб чиқариши эса қарийб 135,5 минг донадан 403,5 мингдан ортқайиб кетди.

Шу билан бирга, саноат таркибидa тоғ-кон саноати улуши 2017 йилдаги 12,7 фоиздан 2025 йилга келиб, 7 фоизга тушди. Электр, газ ва буг билан таъминлаш ҳамда сув таъминоти тармоқларининг улуши ҳам бир оз қисқарган бўлса-да, уларнинг номинал ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ошди. Умуман олганда, бу даврда саноат таркибидaги ўзгаришлар иқтисодиётда диверсификация жараёнлари кучайиб, юқори қўшилган қийматга асосланган индустриал ривожланиш модели шаклланаётганини кўрсатади.

www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official

бошқарув усулларини кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, экспорт таркибини янада диверсификация қилиш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар улушини ошириш вазифаси ҳам муҳим. Қайта ишланган саноат маҳсулотлари экспорт иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда зарур омилдир.

Юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш мақсадида саноат сиёсатини янада такомиллаштириш ва қатор стратегик йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Аввало, юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган саноат сиёсатини изчил такомиллаштириш саноатнинг технологик салоҳиятини босқичма-босқич ошириш ва рақобатбардошликни мустаҳкамлаш имконини беради. Хусусан, электроника, кимё саноати, фармацевтика, машинасозлик ҳамда рақамли технологиялар соҳаларида инновацион ишлаб чиқаришни рағбатлантириш саноатнинг технологик салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, саноат корхоналарида рақамли трансформация жараёнларини кенгайтириш меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини босқичма-босқич яхшилаш имкониятини беради. "Индустрия 4.0" элементлари — автоматлаштирилган ишлаб чиқариш, рақамли бошқарув тизимлари ва маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш имконини беради.

Учинчидан, саноат кластерларини ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш муҳим йўналишлардан. Бу ишлаб чиқариш занжирларини мустаҳкамлайди, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг саноат кооперациясидaги иштирокчини кенгайтиради.

Тўртинчидан, экспортни қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил давом эттирилиб, қайта ишланган ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Янги ташқи бозорларни ўзлаштириш, логистика инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда савдо тартиб-таомилларини

фооллашмоқда. Хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари улуши 2017 йилдаги 12,7 фоиздан 2025 йилга келиб, 31 фоизга етди. Бу эса энергетика тизимини диверсификация қилиш ва саноатда энергия таъминоти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Стратегик режаларга кўра, 2030 йилгача мазкур кўрсаткични 54 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, иқтисодиётга энергия тежамкор ва илгор технологияларни жорий этиш натижасида ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда. Хусусан, 2025 йилда 1 долларлик қўшилган қиймат яратиш учун сарфланадиган энергия харажати 15 фоиз камайди. Бу тенденция саноат тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Келгусида "яшил" саноат ривожланишини янада чуқурлаштириш мақсадида 2030 йилга қадар қатор стратегик вазифалар белгиланган. Жумладан, саноатда меҳнат унумдорлигини ҳозирги 16,5 минг доллардан 30 минг долларгача ошириш, минг долларлик қўшилган қиймат яратиш учун сарфланадиган энергия миқдорини 1,5 баробар камайитириш ҳамда ялпи ички маҳсулот бирлигига



нисбатан иссиқхона газлари чиқиндисини 2010 йилдагига нисбатан 35 фоиз қисқартириш режалаштирилган. Бу чоралар саноатнинг экологик барқарорлигини таъминлаш ва узоқ мuddатли "яшил" иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Зарурат ва хулосалар

Ўзбекистон саноатида сўнгги йилларда сезиларли ўсиш ва таркибий ўзгаришлар кузатилган бўлса-да, соҳанинг барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Охириги йилларда Ўзбекистон саноати ривожланишида муҳим таркибий ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янги босқич билан таърифланади. Бу даврда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хусусий сектор фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган ислохотлар саноат ўсиши учун мустаҳкам асос яратди. Натижада саноат ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ошди, қайта ишлаш саноатининг улуши сезиларли даражада кенгайди ва иқтисодиётда диверсификация жараёни фаоллашди. Саноат таркибидa хомашё секторининг нисбий улуши қисқариб, юқори қўшилган қиймат яратишга йўналтирилган ишлаб чиқариш занжирлари шакллана бошлади. Шу билан бирга, инвестиция оқими ва инфратузилма-нинг ривожланиши янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга хизмат қилди.

Саноатни янада модернизация қилиш, технологик даражани ошириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва "яшил" индустриал ривожланишга ўтиш келгуси йиллардаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Агар ушбу йўналишлардаги ислохотлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган каби изчил давом эттирилса, саноат иқтисодиётимизнинг етақчи драйвери сифатида янада мустаҳкамланиши, мамлакатимизнинг глобал иқтисодий тизимдаги рақобатбардошлиги сезиларли даражада ошиши шубҳасиз.

Экспорт ва диверсификация

Кейинги 9-10 йилда Ўзбекистон ташқи савдосида саноат экспорти таркибий жиҳатдан диверсификацияланди. Умумий экспорт ҳажми 13,9 миллиард доллардан 33,8 миллиард долларгача ўсди. 2025 йилда саноат товарлари экспорти қарийб 4 миллиард долларга етди ва унинг умумий экспортдаги улуши 11,8 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, экспорт таркибидa олтин (29,3 фоиз) ва хизматлар (28,9 фоиз) асосий улушни сақлаб қолди.

2017 йилга нисбатан 2025 йилга келиб, экспорт таркибидa хомашёга боғлиқлик муайян даражада қисқариб, қайта ишланган маҳсулотлар улуши ортди. Айниқса, металллар (рух, алюминий, мис), машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари ҳамда тўқимачилик тайёр маҳсулотлари экспорти сезиларли ўсди. 2025 йилда саноат экспорти таркибидa тўқимачилик маҳсулотлари 7,8 фоиз ва кимё саноати маҳсулотлари 6,3 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, экспорт географияси ҳам кенгайди. 2017 йилда мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорлари Хитой, Россия, Қозғистон ва Туркия бўлган бўлса, 2025 йилга келиб, улар билан бир қаторда Франция, БАА, Афғонистон ва Покистон каби янги бозорларнинг аҳамияти ортди. Умуман олганда, мазкур даврда саноат экспорти таркиби ва географиясидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётда диверсификация жараёнлари кучайиб бораётганидан далolat беради.

Меҳнат бозори ва технологик ривожланиш

2024 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони 14,3 миллионни ташкил этган. Шундан 12,1 фоизи саноат тармоқларида фаолият юритган. Ушбу кўрсаткич саноатнинг мамлакат меҳнат бозорига муҳим ўрин тутаятигани ва иқтисодий ривожланишда аҳолини барқарор иш билан таъминлаш манбаи сифатида хизмат қилаётганини ифодалайди.

Саноат тармоқларида бандлик асосан ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноати, электр ва газ таъминоти ҳамда коммунал хизматлар соҳалари ҳиссасига тўғри келади. Бу тармоқлар юқори қўшилган қиймат яратиш имкониятига эга. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва саноатлашув жараёнини чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, саноатда бандликнинг ўсиши мамлакат иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва индустриал ривожланиш жараёнларининг фаоллашаётганини аналтади.

Саноатда технология даража ва инновация жараёнлари мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги ва барқарор ўсишини белгилайдиган асосий омиллардан. Юқори технологик даражага эга тармоқлар автоматизация, рақамли ечимлар ва "ақлли" ишлаб чиқариш тизимлари орқали самарадорлигини оширса, инновация жараёнлари янги маҳсулотлар, ресурстежамкор технологиялар ва глобал бозорга мослашувчан моделларни яратди.

Ўзбекистонда саноат ривожланишини экологик барқарорлик тамойиллари асосида шакллантиришга қаратилган "яшил" индустриал трансформация жараёнлари



Камолот пиллапояси

бирдир. Шу нуқтан назардан, тақдиротда билдирилган тақдирот ва ташаббуслар оддий бандлик чоралари эмас, балки таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлашга қаратилган комплекс ёндашув сифатида аҳамиятлидир.

“Келажакка қадам” дастури доирасида 2025 йилда 6 миңдан зиёд лойиҳа учун 378 миң доллар сўм ажратилгани ва қарийб 8 миң битирувчининг бандлиги таъминлангани ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Энди мазкур дастури янада кенгайтириш, 2026 йилда 8 миңдан ортиқ лойиҳани молиялаштириш ва 10 миңга яқин ёшнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилётгани давлат томонидан инсон

муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Олийгоҳларда стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, спин-офф корхоналар ташкил этиши, талабаларни ушбу жараёнларга жалб қилиш ҳам замонавий университет моделига хос муҳим жиҳатлардан бири. Дунё таърибасида университетлар таълимдан ташқари инновация ва технологиялар маркази сифатида ҳам фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ана шундай ёндашувни кенг жорий этиш илмий ёшларнинг иқтисодий натижага айлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Тақдиротда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш бўйича билдирилган тақдирот алоҳида аҳамият касб этади. Тармоқ корхоналарда кафедра филиалларини очиб,



Олимпиада — 2026

Айни пайтда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурдаги Фан олимпиадалари марказида ҳаёт қайнапти. Аслида, ҳар ўқув йили якунида марказ фаолияти кизгин воқеликларга бой бўлади. Бу йил ўша паллада ўқувчи ёшларимиз бир неча маҳаллий ва халқаро олимпиадада муносиб иштирок этди.



БИТИРУВЧИ БАНДЛИГИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР КАПИТАЛИ

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда олий таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, қамрови ва сифатини ошириш, замонавий меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу эса турли тармоқлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш имкониятини кенгайтирмоқда.



Одилжон МАМАТКАРИЙЕВ, сенатор

таълим билан қамров даражаси қанчалик кенгайганини яққол кўрсатади. Бирок ҳар бир битирувчининг муносиб иш ўрнига эга бўлиши, билим ва салоҳиятини намойиш этиши давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалардан

капиталига қаратилётган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Тақдиротда битирувчиларни иш билан таъминлашнинг янги институционал механизмларини жорий этиш масаласига эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Унга қўра, барча олийгоҳларда карьера марказлари фаолиятини тўлиқ йилга қўйиб ва уларнинг самарадорлигини “Битирувчи сифати индекси” орқали баҳолаш режалаштирилмоқда. Бу ёндашув университетлар фаолиятини баҳолашда мутлақо янги мезонни шакллантиради. Энди олий таълим муассасаси нуфузи фақат таълим жараёни билан эмас, балки унинг битирувчилари қанчалик талабгор мутахассис бўлиб етишяётгани орқали ҳам белгиланади.

Энг юқори натижа кўрсатган 20 та олийгоҳнинг карьера марказларига 500 миллион сўмдан ажратилиши эса рақобат муҳитини шакллантириш ва натижадорликни оширишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ва иш берувчи ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Яна бир муҳим ташаббус барча олийгоҳларда “Тадбиркорлик асослари” фани жорий этилишидир. Бугунги кунда меҳнат бозори фақат иш қидирадиган эмас, балки янги иш ўринлари яратадиган, инновацион гояларни ҳаётга таъбиқ этадиган ташаббускор ёшларга эҳтиёж сезмоқда. Демак, талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш келажакда иқтисодийнинг барқарор ривожланиши учун

битирув малакавий ишларини иш берувчи ташкилотларда ҳимоя қилиш, талабаларнинг амалий кўникмаларини иш жараёни билан уйғунлаштириш каби чоралар мутахассис тайёрлаш сифатини янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Айниқса, мақсадли дуал таълим шаклини жорий этиш ташаббуси бу борада муҳим аҳамиятга эга. Унда иш берувчи ва олийгоҳ ўртасидаги ҳамкорлик асосида талабаларни аниқ эҳтиёжларга мувофиқ тайёрлаш, ўқини тугатгандан кейин эса уларни қафолатланган иш ўринлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда. Бу эса таълим жараёнини меҳнат бозори эҳтиёжлари билан янада яқинлаштиради.

Энди олийгоҳлар раҳбарияти фаолиятини баҳолашда битирувчилар бандлиги асосий мезонлардан бири сифатида белгиланмоқда. Бу эса университетлар масъулиятини янада оширади, уларни битирувчилар тақдирини яқин баҳолашга мажбур қилади. Таълим натижадорлигини реал кўрсаткичлар орқали баҳолаш имконини беради.

Президентимиз томонидан билдирилган тақдирот ва ташаббуслар олий таълим соҳасида янги сифат босқичини бошлаб беришга хизмат қилади. Энди асосий эътибор рақобатбардош мутахассис тайёрлаш, уни муносиб иш билан таъминлаш ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўша оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилади. Бу эса олий таълим тизими иқтисодий эҳтиёжлар билан узвий боғланган, натижага йўналтирилган ва инсон манфаатларига хизмат қилувчи замонавий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради.

ИЛМ-ФАН — ТЕХНОЛОГИК ЕТАКЧИЛИК САРИ БОШЛАБ, ЯНГИ ИҚТИСОДИЁТ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАДИ



Нилуфар ҲАМИДОВА, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Айнан илм-фан технологик етакчилик сари йўлга чиқди. Янги иқтисодий пойдеворини барпо этиш. Саноат, иқтисодий, кишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Шу бонс, билим, инновация ва кадрлар тайёрлашга ўз вақтида устувор аҳамият берган давлатларгина тараққиётда улкан натижаларга эришади. Жаҳон таърибаси ҳам бунга яққол тасдиқлайди. Мисол учун, Жанубий Корея таълим ва илм-фанга йўналтирилган кенг қўламли инвестициялар ҳисобига юқори технологиялар бўйича етакчи давлатлардан бирига айланди.

Сингапур табиий ресурслари деярли мавжуд бўлмаганда, асосий капитал сифатида айнан интеллект ва илмий ишланмаларни танлаб, Осиёнинг йирик инновацион марказига айланди. Бугун дунёни лол қолдираётган Хитой эса илмий тадқиқотларни изчил қўллаб-қувватлаш, университетларни модернизация қилиш ва кучли технологик платформаларни яратиш орқали қатор йўналишларда илгор позицияларни эгалламоқда.

Бугун Ўзбекистон ҳам ана шундай стратегик йўналишда изчил ҳаракатланипти. Мамлакатимизда илм-фан қатор жиддий муаммолар гирдо-биде қолган эди. Илмий соҳада иш ҳақи жуда паст бўлиб, малакали мутахассислар ва ёш олимларнинг хорражга кетиши кучайган, қўллаб-қувватлаш муассасаларининг моддий-техник базаси жуда янгилик аҳолига тушиб қолганди.

Кўплаб лабораторияларнинг йиллар давомида янгиланмагани, замонавий ускуна ва технологияларнинг етишмаслиги яққол сезилар эди. Ачинарлиси, илм-фан билан ишлаб

Илм-фан барча даврларда тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб берувчи муҳим мезон бўлиб келган. Шу маънода, илмий тадқиқотлар, интеллектуал салоҳият ва бу борадаги муассасалар фаолиятини ривожлантирмай туриб, бирор мамлакатнинг халқаро майдонда рақобатбардош бўлиши ва юқори марраларга эришиши мушкул.



Тараққиёт одимлари

чиқариш ўртасида узилиш бўлиб, тадқиқот натижалари иқтисодийга етарли даражада жорий этилмас, илмий фаолият амалий жиҳатдан ўз долзарблигини йўқота бошлаганди.

Ёшларнинг илмий фаолиятга қизиқиши пасайиб, тадқиқот муассасаларида катта авол-вақилларнинг улуши ортиб бораётган, халқаро ҳамкорлик ва глобал тадқиқот лойиҳаларидаги иштирок эса қечилмаб қолганди. Албатта, буларнинг барчаси тизимли ва чуқур ислохотларни талаб қилади.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда илм-фан, инновациялар ва илмий кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Давлатимиз раҳбари илмий жамоатчилик вакиллари, ёш олимлар, академик ва тадқиқотчилар билан бир неча бор учрашиб, соҳанинг устувор йўналишларини, истиқболли ўсиш нуқталарини ҳамда модернизациянинг асосий вазифаларини белгилаб берди.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг илм-фан ва инновациялар тизимини тубдан такомиллаштириш, Фанлар академияси фаолиятини самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Илмий соҳага ажратилаётган маблағ мисли кўрилмаган даражада оширилди. Олимлар ва илмий ходимларнинг иш ҳақи кўтарилди. Замонавий лаборатория ҳамда илмий марказлар очилди. Тадқиқотларни грант асосида қўллаб-қувватлаш механизмининг кенгайтирилиши, Халқаро ҳамкорлик фан ривожлантирилиши, тадқиқотчилар тайёрлашнинг янги йўналишлари очилмоқда. Технопарклар, инновацион марказлар ва илмий ишланмаларни тижорийлаштириш майдонлари ташкил этилмоқда.

Айниқса, ёш олимлар, докторантлар ва иқтидорли кадрларни қўллаб-қувватлаш, замонавий илмий муҳитини шакллантириш ҳамда илм-фан вакилларида нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Жорий йил 25 май кунин илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тақдиротда ҳам юқори салоҳиятли илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Энди мамлакатимизнинг узок муддатли илмий-технологик ривожланиши учун устувор ҳисобланган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия, озиқ-овқат хавфсизлиги, тиббиёт, сув ресурслари, янги материаллар ҳамда

сейсмология каби соҳалар бўйича илмий кадрлар тайёрлашда изланувчиларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилади.

Айни мақсадда Президентимизнинг “Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда олий таълимдан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш, докторантларни тайёрлаш жараёнини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, диссертация тадқиқотларининг сифати, илмий ва амалий аҳамиятини оширишда гўят муҳим.

Хўжат билан илмий кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари мутахассисларни учун докторантурага умумий қабул квотасининг камида 60 фоизи ажратилди. Табақалаштирилган стипендиялар тизими жорий этилди. Бунда устувор илмий ихтисосликларга қабул қилинган докторантларга базавий стипендия миқдорида 1,7 баравар оширилган стипендия тўланади. Устувор илмий ихтисосликларга қабул қилинган докторантларга зарур ускуналар ва бошқа товарларни харид қилиш учун ҳар ойда базавий стипендия миқдорининг 30 фоизи миқдорига қўшимча маблағ йўналтирилади.

2027 йил 1 январдан илмий даража беришда (мустақил изланувчилар бундан мустасно) чет тили бўйича малака имтиҳонини топириши, диссертация мавзуларини рўйхатдан ўтказиш ва диссертация химоаси тўғрисидаги эълонни Олий аттестация комиссияси томонидан эълон қилиш, етакчи ташкилотда диссертация муҳокамасини ўтказиш каби қатор талаблар бекор қилинади. Олий аттестация комиссияси Олий таълим, Фан ва инновациялар вазирлиги тасарруфидан фанлар академияси тизимига ўтказилади.

Шу билан бирга, илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг реитинг тизими жорий этилади. Илмий кенгашлар мавзукулган диссертациялар бўйича танлов асосида, жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мустақил экспертиза ўтказилади ва реитинг натижаларида акс эттирилади.

Хўш диссертация химоаси жараёнида амал қилаётган тартиб-таомилларнинг 50 фоизи рақамлаштириш ҳисобидан қисқартирилади. Мазкур жараёнда кўп сонли хужжатларни чоп этиш, авторфератларни катта миқдорда тайёрлаш ҳамда диссертацияларни такроран муҳокама қилиш билан боғлиқ ортиқча талаблар бекор қилинди. Бу эса изланувчилар учун қулайлик яратиш, вақт ва маблағ сарфини камайтиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, бугун илм-фан учун янги авлод вакиллари тайёрлаш устувор вазифалардан. Зеро, юқори малакали тадқиқотчилар, муҳандислар, технолог ва таҳлилчиларнинг пухта билим иқтисодийнинг асосий танчига айланади. Айнан улар инновацияларни жадал жорий этиш, мамлакатнинг технологик мустақиллигини таъминлаш, миллий саноат рақобатбардошлигини ошириш, рақамли иқтисодийни ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар яратишда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Техник тафаккур, муҳандислик салоҳиятини ривожлантирувчи муҳандислик-иқтидорчилик олимпиадаси, Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили ва адабиёти олимпиадаси, Осиё физика олимпиадаси, Италияда ўтган Европа қизлар информатика олимпиадаси, хуллас, санайдиган бўлса, рўйхат узок давом этади. Бир сўз билан айтганда, олимпиадалар сонига ҳамоҳанг ютуқларимиз салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, Европа қизлар олимпиадасида 60 та давлатдан 300 га яқин қиз орасида Ўзбекистон терма жамоаси бу йил ўз тарихидagi энг янги натижани қўлга киритди — 2 та кумуш ва 1 та бронза медал.

Кумуш медал эгалари Ойша Мирзатиллаева (Олмазор туманидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси) ҳамда Райҳона Санақулова (Навоий шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси) яқиндагина якунланган Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика олимпиадасида олтин медални қўлга киритгани қувонарли.

Дунёнинг 16 давлатидан 221 ўқувчи ёш куч синашган мазкур олимпиада мамлакатимиз ёшларига 11 та олтин, 22 та кумуш ва 28 та бронза — жами 61 та медални тухфа этди.

— Уч йилдан буён дастурлаш соҳасида олимпиадаларга қатнашиб келган, — деди Ойша Мирзатиллаева. — 2024 йилда Нидерландиядан, 2025 йилда Германиядан бронза билан қайтдим. Италияда бўлиб ўтган Европа қизлар информатика олимпиадасида олтин медал олишимга 10 балл етмай қолди. Бирок айни олимпиадadan Ўзбекистонга илк кумушни олиб келганим бугунги ютуғимга куч берди.

Ойша Мирзатиллаева каби иқтидорли ўқувчилар олимпиадаларда қатнашиш учун ихтисослаштирилган мактаблардаги муҳим муҳим таъсир қўратиб бериши айди. Зеро, бу ерда доим рақобат бор, ютуқларга эришяётган ўқувчилар ҳамма ҳамма куч беради. Умуман олганда, соғлом рақобат орқали ўсиш имконияти катта.

Тўртинчи мартаба ўтказилган мазкур олимпиада жорий йилнинг 1-7 июнь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги “Ренессанс” оромгоҳида ташкил этилди. Буюк аллома Мухаммад ал-Хоразмий номидаги нуфузли интеллектуал мусобақа 2025 йилдан бошлаб бир вақтнинг ўзида ҳам математика, ҳам информатика (дас-турлаш) фанларини гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказилмоқда.

Математика фани бўйича иштирокчиларга 2 кун давомида 4 тадан масала берилиб, уларни ечиш учун 4 соат вақт ажратилди. Информатика фани бўйича эса 2 кун давомида 4 тадан масалани бажариш учун 5 соатдан вақт берилди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистонда анъанавий тарзда ташкил этиладиган олимпиададан ташқил этиладиган олимпиаданинг асосий мақсади — ёшлар ўртасида математика ва дастурчиликни ривожлантириш, халқаро миқёсда рақобатбардош ёшларни аниқлаш.

Халқаро олимпиадада юқори савияда ўтказиш учун ҳақамлар ҳайъати таркибига Беларусь, Эрон, Тожикистон, Туркия, Россия

каби мамлакатлардан кўп йиллик халқаро таъриба ва юқори салоҳиятга эга экспертлар, Ўзбекистондан эса академик унвонига эга профессорлар жалб этилди.

— Мазкур олимпиадага йилдан йилга қизиқиш ҳам, иштирокчи давлатлар сони ҳам ошмоқда, — деди Фан олимпиадалари маркази директори Тўрабой Шерматов. — Хусусан, жорий йилда 16 мамлакатдан ўқувчилар қатнашди. Жорий йил илк марта ёшлар онлайн иштирок этди. Бу орқали бутун дунёдаги айнан математика, информатикага ихтисосланган битирувчиларни бир жойга йиғиш ва таъриба алмашиш имконияти пайдо бўлади.

Олимпиадада тайёргарлик жараёнида юқори малакали хорижий ва маҳаллий экспертлар жалб этилди. Саволлар даражаси айнан ўқувчиларнинг ёшига мослаб, масалалар халқаро олимпиада дастурига мувофиқ тузилди.

Халқаро олимпиадаларнинг муҳим бир жиҳати — дунёнинг билимдон ёшларини бир нуқтада жамлаш. Бу яқин дўстлик, маданиятлар алмашишуви пайдо бўлиши билан аҳамиятли. Қатнашчи давлатлар сони ортishi ёшларимизга гуруҳ бағишланиши баробарида янада кучлироқ билим олишга, соғлом рақобатга ундайпти.

Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Хумоюн Абдурауфов олимпиадада иккинчи бор иштирок этди.

— Тайёргарлик яхши. Насиб қилса, бу йил ҳам олтин оламан, — деган эди у олимпиаданинг очилиш маросимида.

У сўзининг устидан чиқди. — Олимпиадага катта тайёргарлик билан келиш, — деди Хумоюн. — 5 соат давомида тўртта масалани ишлади. Қўллаб билимдон ўқувчилар билан танишдик.

Ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Маҳоратли, таърибали устозлар эса унга эришиб бўлмади, албатта. Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси бўлишига қарамай, информатика бўйича ёшларни ушбу халқаро олимпиадага тайёрлаган Шохруҳ Раҳматуллаевнинг таъминини 50 га яқин шогирди бор. Улар миллий ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатиб келгати.

— Жараёнлар бу йил хар доимидан ҳам яхши ташкил этилди. Айниқса, охириги бир ойда жуда қаттиқ ишлади. Болаларни гуруҳларга ажратган ҳолда интенсив дарслар ўтди. Ютуқлар шунга яраша бўлди, — деди ёш мураббий.

Олимпиада доирасида халқаро мутахассислар иштирокида ўқувчи ёшлар учун маҳорат дарслари ташкил этилди. Иштирокчилар ва меҳмонлар юртимизнинг маданияти ва маърифий мероси билан яқиндан таништирилди.

Яқунланган олимпиада математика ва информатика фани бўйича жорий йилнинг июль ойида ўтказиладиган Халқаро математика олимпиадаси ҳамда Халқаро информатика олимпиадасига навбатдаги тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилди.

Халқаро олимпиадада юқори савияда ўтказиш учун ҳақамлар ҳайъати таркибига Беларусь, Эрон, Тожикистон, Туркия, Россия

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Поезд шамол каби елиб боради. Дала-даштлар, мевали боғларда яратувчилик билан андармон одамлар қувониб қўл кўтаради. Қирмизи анорлари билан донг таратган Кува, уста хунармандлар юрти Марғилон, узумга кон Олтиариқ, кулоллар замини Риштон, Бағдод, Учқўприк сингари шаҳар ва туманлар, кенг дала ва боғларни ортда қолдириб, Қўқон шахрига етиб келганимизда соат миллари 13:15 ни кўрсатаётган эди. Поезд йўловчиларни соғ-омон манзилга элтиб қўйди.

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида водий шаҳарларини боғлайдиган замонавий электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Бундай улкан янгилик халқимизга янада кўтаринки рух, қувонч берди. Водий ахли ўзаро гурунглирида хали-хамон янги поезд таърифини келтирмоқда. Улар мамлакатимиз етакчисининг жамоатчилик вакиллари билан бирга электропоездда Қўқондан Марғилонга боргани ҳақида гурурланиб сўзлапти.



Очерк

ВОДИЙ БЎЙЛАБ ШУКУҲЛИ САЁҲАТ

Қўқондан Марғилонга янги поездда бориш гашти бошқача...

Аҳолига қулай, хавфсиз ва арзон транспорт хизматлари тақдим этиш учун бажарилган лойиҳа қисқа фурсатда минглаб одамлар оғирини енгил, узогини яқин қила бошлади. Энди бу манзилдан сафарга ошққан, меҳмонга чоғланган йўловчилар сафи кундан кунга ортиб бормоқда. “Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал” ҳикматиға амал қилиб, йўл ҳозирлигини кўрдим. Қўқон темир йўл вокзалига етиб келганимизда соат 6:30 эди. Туни билан ёққан ёмғир қадим шаҳарга ўзгача файзу тароват бағишлаганди. Уфқ тоқидан бош кўтарётган кўёш нурали билан уйғунлашиб кетган осмон кўм-кўк, мусалфо ҳаво дилга хузур бағишлади. Темир йўл бекатида йўловчиларга ҳозирлаб қўйилган замонавий электропоезд белгиланган манзил сари юришга тайёр. Йўловчилар изма-из кириб келипти.

тозалаш ва иситиш тизимлари бор. Юмшоқ ва қулай ўриндиқлар, гаджетлар учун USB портлар ва бепул Wi-Fi кабилар йўловчиларга қулайлик яратипти. Ушбу йўналишда кунига 1500, йилга эса тахминан 600 минг йўловчини ташиб имконияти бор. Поездда ҳамма нарса йўловчилар манфаатига хизмат қилади. Тезкор, қулай, хавфсиз ва юқори даражада хизмат. Олти вагондан иборат поездда жами 586 та ўрин бор. Вагонларда ногиронлиги бўлган, имконияти чекланган шахслар учун ҳам алоҳида шариотлар ҳозирланган. Велосипед ташиб учун маҳкамлагичлар ва маълумот берадиган электрон таблолар ўрнатилган. Темир йўл бекатида диспетчернинг 6393-йўналишдаги Қўқон — Наманган — Андижон — Марғилон — Қўқон айланма поезди белгиланган манзил сари ҳаракатланаётгани ҳақидаги жарангдор овози янгради. Поезд оҳиста одимлайди. Илк сафарга чиққан йўловчиларнинг шивир-шивирлари қулоққа чалинади: “Зўр экан, қара, юраётгани ҳам билинмайди, шовқинсиз, кенг, ёруғ...”



топган лайлақлар йўловчилар ҳайратини янада оширади. Бир тўп қуш биз билан белашмоққа чоғланиб қанот қоқади. Табиатнинг тақорланмас манзараларидан йўловчилар ўзгача завқ олади. Ҳайрат ва ҳавасга тўлган бу дақиқаларни ўтказиб юбормаслик илмижда суратга олишга ошқайди. Оила аъзолари билан водий шаҳарлари бўйлаб саёхатга чиққан Лаизхон Жалоловнинг қувончи бир олам. — Бундай саёхатга биринчи бор чиқишимиз, — дейди ҳамроҳим 5 ёшли ўғлимнинг завқу шавқидан қувониб. — Сафаримиз мароқли ўтатпти. Поезд вагонлариди шариотни қаранг, ҳамма нарса инсон учун. Янги поезд одамларни бир мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлишга чорламоқда. Қисқа фурсатда қанчадан қанча йўловчи билан танишдик, дўстлар орттирдик. Йўл-йўлақай шаҳар ва қишлоқлардан ўзгаришлар, янги йўл, турар жой масканларини кўриб, шу юртнинг фарзанди булганимдан кўнглим фахр-ифтихорга тўлди. Дангара тумани Катта Ганжирован қишлоғида умргузаронлик қилаётган Шерали Мамадалиев бу йил 70 ёшни қарши олибди. Ҳаракатлари чақон, нигоҳлари тийрак нуруний водий шаҳарлари бўйлаб йўлга қўйилган электропоездда саёхатга чиқибди.

— Шу кунга қадар водийдаги барча йирик шаҳар ва сўлим қишлоқларни велосипедда кезиб чиққанман, — дейди Шерали ака фахр билан. — Утган йили Қорақалпоғистон, Хоразм диёрлари, воҳа вилоятлари, асим Самарқандни велосипедда зиёрат қилдим. Ҳаммаси ажойиб, жуда гўзал. Юрт кезиб, асло зерикмайси. Буларнинг барчаси аҳоли фаровонлиги йўлида яратилган қулайлик ва имкониятлар маҳсули. Утган йили Наманган шаҳрида бўлиб ўтган гуллар фестивалига велосипедда келганман. Бу йил эса барча оила аъзоларимиз билан мана шу электропоездда гуллар фестивалида иштирок этишни ният қилганман. Электропоезд асим Сирдарё устидан мардона ўтиб, катта-кичик бекаларда тўхтаб, гуллар шаҳри Наманганга кириб борди. Наманганликлар гуллар фестивалига алоҳида ҳозирлик кўрмоқда. Пойингизга тўшалган ранго-ранг гуллар кўни қувонтиради. Айрим йўловчиларни белгиланган манзилда қолдирган поезд яна йўлга тушади. Йўловчиларнинг ўзаро сўхбати яна авж олади. — Юрти, уйи тинч, фаровонлик бўлган жойда кўнглига сайру саёхат, хурсандчилик сизга, — дейди наманганлик Ширзакарим Рўзиев. — Дунёда бўлаётган нотинчлик, талатўллардан Яратганининг ўзи асрасин! Тинчлик, фаровонлик абадий бўлсин! Янги электропоезд қатнови йўлга қўйилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Намангандан Қўқонга машинада бориш учун 90 чақирим йўл юришга тўғри келади. Йўл ҳаражатлари кинимат. Бугун уч қўшни ҳамжиҳат бўлиб саёхатга чиқдик. Янги поезд бу борада

ҳар жиҳатдан қулайлиги билан маъқул келди. Эрталаб поездга ўтирдик, тушда Қўқон шаҳрида бўламиз. Асосий мақсад — Қўқон шаҳрида қурилган янги уй-жойлар, истироҳат, маданият масканлари билан яқиндан танишиш, қўқонликлар билан ҳамсухбат бўлиш. Бир кун шаҳарда бўлиб, эртага шу поездда яна йўга қайтаман. Булар бир қараганда эртасига ўхшайди, аммо ҳаммаси ҳақиқат. Наманган давлат университетиде таҳсил оламан, — дея сўхбатга қўшилди Фотимахон Бойбобоева. — Янги электропоезд йўлга қўйилгани талабалар учун жуда яхши бўлди. Ота-онам Фарғона вилоятининг Риштон туманида яшайди. Таътида йўга бориш учун икки-учта таксига алмашардик. Бу ортиқча вақт, маблаг талаб қилган. Янги поезд шундай овозгарчиликларга барҳам берди. Сўхбат билан бўлиб Андижон шаҳрига кириб келганимизни билмай қолганимиз. Электропоезд водийнинг йирик кентиде бир дам тўхтаб, яна янги манзилга томон йўл бошлади. Электропоездни маҳорат билан бошқараётган машинист Собиржон Қосимовни сўхбатга чорлаймиш. — Янги поездда нафақат йўловчи, балки машинистлар учун ҳам алоҳида қулайлик, имкониятлар бор. Ҳаммаси рақамли технологиялар асосида ишлайди. Айниқса, хавфсизликка алоҳида эътибор берилган. Вагонлар тўлиқ видеокузатув ва зарба кучини камайитирувчи крэш-тизим билан жиёмланган. Буларнинг барчаси тезкор, хавфсиз ҳаракат қилган ҳолда манзилга етиб боришни таъминлайди. Янги поездлар қатнови бошланганига кўп бўлгани йўқ. Аммо бу йўналиш бўйлаб ҳаракатланиш истагиди йўловчилар сафи тобора ортиб борапти. Поезд шамол каби елиб боради. Дала-даштлар, мевали боғларда яратувчилик билан андармон одамлар қувониб қўл кўтаради. Қирмизи анорлари билан донг таратган Кува, уста хунармандлар юрти Марғилон, узумга кон Олтиариқ, кулоллар замини Риштон, Бағдод, Учқўприк сингари шаҳар ва туманлар, кенг дала ва боғларни ортда қолдириб, Қўқон шахрига етиб келганимизда соат миллари 13:15 ни кўрсатаётган эди. Поезд йўловчиларни соғ-омон манзилга элтиб қўйди. Поезддан узоқлашар эканмиз, кимдир мароқли саёхат, бошқалар эса манзилга тез етиб келганидан қувониб, яқинлирига ҳабар берипти. Электропоезд эса сафарга ошққан янги йўловчиларга хизмат кўрсатишга шай турибди. У ҳаётдан мамнун, эртани кунга ишончи мустаҳкам нурдошларимизни яна ўз бағрига олиб, водий бўйлаб йўл тортади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мулоҳаза

ИЖОД АҲЛИГА ҚАНОТ ВА ИЛҲОМ

Дунё худди денгиздаги бешикдай чайқалиб турган, инсонлар онги ва қалби осон бой берилётган бир даврда маънавият ва маданият қалбларни қўтарувчи етакчи куч бўлиб хизмат қилади. Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу юрт фарзанди сифатида менинг ҳам кўнглимни тоғдай кўтарди. 2026-2030 йилларда аҳолининг китобхонлик даражасини ошириш, бир одамнинг йиллик ўртача китоб ўқиш кўрсаткичини ўнгага етказиш белгиланди. Китоб ўқиш маданиятини ошириш давлатимиз раҳбари қарори билан мустаҳкамланар экан, биз зиёлилар бу йўлда тарғиботчи бўлиб хизмат қилишимиз керак.

маданиятини ошириш борасида қарор қабул қилди, йўлаб кўрамизми?”. Болалар китоб ўқиган бола ёмон одатларга ўрганимайди, китоб ўқисак яхши ўқишларга қирамиз деб жавоб берди. — Фикрларинг тўғри, — дедим уларга. — Яна бир мулоҳаза бор. Китоб билан китобини фарқлаб ўқиш керак. Бунда сизга адабиёт муаллими, ота-онангиз кўмақдош бўлади. Ўзларинг кузатишларини, қайси мамлакатда бир ўқувчи тенгдошини бошқа миллат вакили бўлгани учун ўлдириб қўйди, бири мактабга қурол олиб келиб отишга уюштирди. Бу иллатлар ниманинг ҳосиласи? Онда китобхонлик йўқлигининг, болаларни моддий таъминлаб, маънавий оч қолдирганининг самараси. Бизга давлатимиз китоб ўқисак, машина ваъда қилапти. Шу машинани сиз олишингиз мумкин. Сизга ҳавас қилиб бошқа ўртоқларингиз китоб ўқишга оdatлананди.



Мана шундай учрашувлардан доим руҳланаман. Болалар кўзи яшнаб савол ташлайди, ўз ижодини уяла-уяла ўқиб беради. Ҳали шеърнинг вазнои қолиғига тушмаган бу ижод намуналарини рағбатлантираман, хайрихоҳ бўламан. Эртага шу ўқувчи шонир бўламанлиги мумкин. Аммо китоб ўқийди, тарғиб қилади. Оила бошлиғи бўлганда фарзандларига яхши тарбия беради. Президентимиз узоқни кўзлаб чиқарган қарорининг моҳиятини англагандай бўлади болалар. 1 июнь кун Президентимиз маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашув ўтказди. Бу учрашувни катта ҳаяжон билан кузатдик. Ижодкорларни рағбатлантириш ва ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Ҳар йили Миллий ижодкорлар қурултойи ўтказилиши, қурултойда йил давомида энг яхши натижа кўрсатган ижодкорларнинг бадиий кечалари ташкил этилиб, улар муносиб тақдирланиши белгилаб берилди. Бир қанча йўналишларда ижодкорларга катта-катта имтиёзлар берилган, бунинг учун давлат бюджетидан йирик маблағлар ажратилиши бир ижодкор сифатида қал-

бимни гурурга тўлдирди. Ҳали адабиёт ва санъат вакиллари бу даражада имконга эга бўлганми? Ҳозир маошларга устамалар, концерт-томоша фаолияти учун имтиёзларни, китоб чоп этиш, энг яхши асарлар ёзувчиларига ҳар ойда беш миллиондан қўшимча маош тўланиши, уй-жой ипотекасига имтиёзлар, ижара имтиёзларини санаб, саногоғига ета олмай ҳисобда адашиб кетдим. Президентимиз адабиёт, маданият ва санъат вакилларида 167 нафарини давлат мукофоти билан тақдирлади. Ҳайит айёми арафасида бир қанча марҳум ёзувчи ва шоирлар, санъат усталари юксак мукофотларга муносиб кўрилди. Қалблар севингча тўлди. Хонадонларда байрам бўлди. Айниқса, шунча сўз ва сахна санъаткорларининг мухлислари катта қувонч билан бу хушxabарни қарши олди. Ҳар йили минг нафар шоир, ёзувчи, маданият ва санъат ходимлари, расом ва хунармандларга уй-жой олиш

учун ипотека кредити бошлангич тўловининг 50 фоизи қоплаб берилиши белгиланган бўлди. Бу катта имкониятлар соҳага кириб келаётган ёшларга ҳам илҳом улашайди. Уша учрашувдан бери ўйлайман. Биз советнинг меҳнатда синдирилган авлоди эдик. Ўқишни истасак, эгизлардан, дараклардан соқиде тушлик пайти ўқиб олардик. Китоб ўқиш иштиёқи, мактабга қайтиш дарди билан яшаганимиз. Хуллас, болалар меҳнати, мажбурий меҳнат деган тушунчалар йўқолгунга қадар йиллар, қанча-қанча одамларнинг болалиги, ёшлиги далаларда соғурилди. Мактабни тугатган йилим ўқишга кириш учун тиббий кўриқдан ўтдим. Шунда суягим

шамоллаганидан хабари бор Сафаров деган шифокор ревматизм ташхиси билан маълумотнома тўлдириб берди. Хужжатимни қабул қилмади. Бориб соғлом деб ёздириб кел, ўқингиз кирсан, пахтадан олиб қолишга галва бўласан, дейишган. Ушандаги асаб-зарарликлар, кўзёшлар... Кейин отам раҳматли бошқа ўқишга олиб борган... Бугун талаба фарзандимга қараб қувонаман. Ўзбекчадан ташқари уч тилни мукамал ўрганди. Ўқиб ва ўрганиш. Бўш вақти қолса, “Заковат”га боради. Бугунги ёшларнинг интилишларини, имкониятлардан ўринли фойдаланганини кўраман унинг камолида. Айниқса, мамлакатимиз раҳбари соҳа вакиллари билан мулоҳазаларига қулоқ тутгани эътиборли бўлди. Таклифлар тингладим, керакли топириқлар берилди. Олдинда муносиват ва камбарбастлик қолди. Кино ва спектакллар, концерт ва ижодий кечалар мана шундай самимий мулоқотлардан илҳомланиб ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги нишонланганидан бу йил ижод ахли учун, айниқса, эсда қоларли бўлди. Олдинда ижодий учрашувлар, тарғибот тадбирлари, байрам ва сайилар мўл. Тарихий учрашувлар руҳланиб, Президентимизнинг ташаббусларини шаҳар ва қишлоқларга кенг ёйиш ижод ахли зиммасида. Адабиёт ва санъат илҳомли ривожиде етакчи куч. Мана шу кичиник мулоқотимиз бўлган бундай самимий учрашувларни ижод ахли кўтаринчилик билан қабул қилади. Яна ва яна қизғин ижод қилади. Бу йўлда рағбат ва имтиёзлар қанот бўлажак.

Манзура ШАМСИЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси